

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ХАЛҚАРО ВАЛЮТА-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

**Тузувчилар: доц. Н.Базарова,
Х.Қурбонов**

Тошкент – 2014

ИШЧИ ДАСТУР

Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

- Тингловчиларга давлат меҳнат иқтисодиёти ва социологияси ҳақида илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига ва халқаро молия институтларига аъзо бўлиб кириши жаҳоннинг валюта, кредит, қимматли қоғозлар ҳамда олтин бозорларида умумқабул қилинган замонавий кодексини билишни талаб этади. Ушбу валюта операцияларини амалга ошириш ва ривожлантириш масалалари фаннинг долзарблигини кўрсатади.

- Дастурнинг асосий мақсади – тингловчиларни валюта муносабатлари асослари, валюта тизими, валюта бозорлари ва уларнинг турлари, бозор конъюнктураси ва унга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, валюта операциялари билан таништиришдан иборат.

- Вазифаси – Ўзбекистон Республикасида молия-кредит, валюта тизимида олиб борилаётган ислохотларни таҳлил этиш, Президент асарларига таянган ҳолда янги билимларни ўрганишдан иборат.

Фан бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги тўртинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик фанлари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Фаннинг Олий таълимдаги ўрни

«Халқаро валюта кредит муносабатлари» модулида валюта курсининг мазмуни, аниқлаш тартиби ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари, валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари, валюта бозорлари, валюта операциялари ва уларнинг турлари, халқаро кредитлар ва улар бўйича қарздорлик муаммоси каби муаммоларни батафсил ўрганилади. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

Маъруза-тренинг машғулоти мавзулари

| № | Мавзунинг номи | Маъ- руза | Ама- лий | Кўчма машғу- лот | Мус- та- қил |
|--------------|--|--------------|-------------|------------------------|--------------------|
| 1. | Валюта курси: мазмуни, аниқлаш тартиби ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари | 2 | 2 | - | - |
| 2. | Валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари. | 2 | 2 | - | - |
| 3. | Валюта бозорлари | - | 2 | - | - |
| 4. | Валюта операциялари ва уларнинг турлари | - | 2 | - | - |
| 5. | Халқаро кредитлар. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси | - | 2 | - | - |
| ЖАМИ: | | 4 | 10 | - | 2 |

Маъруза машғулоти

1-мавзу. Валюта курси: мазмуни, аниқлаш тартиби ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари (2 соат)

1. Валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти.
2. Эркин сузиб юривчи курслар.
3. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар
4. Кросс-курслар ва уларнинг қўлланилиши.
5. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.
6. Валюта паритети ва валюта курси.

Валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти. Эркин сузиб юривчи курслар. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар. Бошқариладиган курслар. Қатъий белгиланувчан курслар ва мосланувчан курсларни таққослаш. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар. Халқаро савдодаги ўзгаришлар ва валюта курси. Валютанинг харид қобилияти паритети. Фоиз ставкаларидаги фарқларнинг валюта курсига таъсири. Ҳукуматнинг валюта бозорига аралашуви ва валюта курси. Сиёсий омилларнинг валюта курсига таъсири. Ҳукуматнинг ўзгариши, солиқлар, квоталар. Пошлиналар, лицензиялар, кредит ва эмиссия сиёсати. Ташкилий омиллар: биржаларнинг тузилиши, банк тизими, алоқалар инфратузилмаси, мавсумий омиллар. Иқтисодийнинг инқирозли кўринишлари. Давлат бюджетининг камомоди, инфляция, монополь ишлаб чиқариш, инвестиция. Психологик омиллар.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. Юқори даражали инфляция шароитида валюта курси. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш муаммолари. Кросс-курслар ва уларнинг қўлланилиши. Форвард курси ва унинг аниқлаш усуллари, фъчерс курси ва унга таъсир этувчи омиллар. Аутрайт курси. Валюта курсини барқарорлаштириш тўғрисидаги илмий назариялар.

2-мавзу: Валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари (2 соат)

1. Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари.
2. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.
3. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсири.
4. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари: валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация.
5. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.
6. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида валюта сиёсатини амалга ошириш муаммолари. Валюта сиёсатининг асосий шакллари. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсири. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари: валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация, валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.

Амалий машғулотлар

1-мавзу. Валюта курси: мазмуни, аниқлаш тартиби ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари (2 соат)

1. Валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти.
2. Эркин сузиб юрувчи курслар.
3. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар
4. Кросс-курслар ва уларнинг қўлланилиши.
5. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.
6. Валюта паритети ва валюта курси.

2-мавзу: Валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари (2 соат)

1. Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари.
2. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.
3. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсири.

4. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари: валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация.
5. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.
6. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар.

3-мавзу. Валюта бозорлари (2 соат)

1. «Валюта бозори» тушунчасининг мазмуни. Валюта бозорининг субъектлари.
2. Валюта бозорининг турлари.
3. Регионал валюта бозорлари.
4. Жаҳон валюта бозорлари.

4-мавзу. Валюта операциялари ва уларнинг турлари (2 соат)

1. «Валюта операциялари» тушунчасининг мазмуни.
2. Валюта операцияларининг асосий турлари.
3. Муддатли операциялар ва уларнинг турлари.
4. Форвард операциялари ва уларни қўллаш доираси.
5. Спот операциялари ва спот курслари.
6. Форвард операциялари ва унинг моҳияти.

5-мавзу. Халқаро кредитлар. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси (2 соат)

1. «Халқаро кредит» тушунчасининг мазмуни.
2. Халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш шартлари.
3. Халқаро кредитнинг шакллари. Халқаро ҳисоб бирликларидаги халқаро кредитлар.
4. Гаровли ва ишончли кредитлар. Халқаро банк кредити.
5. Тижорат кредити. Ташқи ва ички кредитлар. Товарли ва валютавий кредитлар.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т., 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т., 1997.

4. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади// Халқ сўзи газетаси-Тошкент, 2014 йил, 18 январь
5. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
6. Ислом Каримов 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
7. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади // Халқ сўзи газетаси –Тошкент, 2011 йил, 22 январь,№16(5183)
8. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш- тараққиётимизнинг муҳим омилидир.-Халқ сўзи, 2010 йил. 8 декабр.
9. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.-Халқ сўзи, 2010 йил, 13 ноябр
10. И.А.Каримов Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Тошкент: Ўзбекистон, 2010.-70 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.–Т.:Иқтисодиёт.-2012.–233 б.
12. Лаврушин О.И. и др. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. -560 стр.
13. Варламова Т.П. Валютные операции. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2009. -325 стр.
14. Tojiyev R.R. Xalqaro valyuta-kredirt munosabatlari. O'quv qo'llanma. - Т.: TDIU. 2009. -310 bet.
15. Лаврушин О.И., Афанасьева О.Н., Корниенко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 стр.
16. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 576 стр.
17. Rashibov O.Yu. va boshqalar. Pul, kredit va banklar. Darslik. - Т.: TDIU, 2010. – 428 bet.
18. Мовсесян А.Г., Огневцев С.Б. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. - М.: Инфра-М, 2003. – 312 стр.
19. Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. - М.: Дело и Сервис, 2003. – 576 стр.
20. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. Учебник.- М.: ЗАО Финансист, Диаграмма, 2002. – 325 стр.

КАЛЕНДАР РЕЖА

| № | Мавзулар | Машғулот тури | Соати | Ўтказилиш мuddати | Машғулот тури | Соати | Ўтказилиш мuddати |
|----|--|---------------|-------|-----------------------------------|---------------|-------|------------------------------------|
| 1. | Валюта курси: мазмуни, аниқлаш тартиби ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари | маъруза | 2 | ҳар ой 1 ҳафтасининг душанба куни | Амалий | 2 | ҳар ой 1 ҳафтасининг сешанба куни |
| 2. | Валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари. | маъруза | 2 | | Амалий | 2 | ҳар ой 2 ҳафтасининг сешанба куни |
| 3. | Валюта бозорлари | | | | Амалий | 2 | ҳар ой 3 ҳафтасининг чоршанба куни |
| 4. | Валюта операциялари ва уларнинг турлари | | | | Амалий | 2 | ҳар ой 3 ҳафтасининг пайшанба куни |
| 5. | Халқаро кредитлар. Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси | | | | Амалий | 2 | ҳар ой 4 ҳафтасининг жума куни |

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маъруза машғулоти ни ташкил этишнинг шакл ва хусусиятлари:

| №. | Маъруза шакллари | Ўзига хос тавсифловчи хусусиятлари |
|----|---------------------|--|
| 1. | Кириш маърузаси | Фан тўғрисида яхлит тасаввур ҳамда маълум йўналишлар беради. Педагогик вазифаси: тингловчини ушбу фаннинг вазифалари ва мақсади билан таништириш, касбий тайёргарлик тизимида унинг ўрни ва ролини белгилаш, курснинг қисқача шарҳини бериш, фаннинг ютуқлари билан таништириб, келажакдаги изланишларнинг йўналишини белгилаш, тавсия қилинган ўқув-услубий адабиётлар таҳлилини бериш, ҳисобот ва баҳолашнинг муддатлари ва шакллари белгилаш. |
| 2. | Маъруза ахборот | Маърузанинг одатдаги анъанавий тури. Педагогик вазифаси: ўқув маълумотларини баён қилиш ва тушунтириш. |
| 3. | Шарҳловчи маъруза | Баён қилинаётган назарий фикрларнинг ўзагини, илмий тушунчалар ва бутун курс ёки бўлимларининг концептуал асосини ташкил этади. Педагогик вазифаси: илмий билимларни тизимлаштиришни амалга ошириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини очиш. |
| 4. | Муаммоли маъруза | Янги билимлар қўйилган савол, масала, ҳолатнинг муаммолилиги орқали берилади. Бунда тингловчининг ўқитувчи билан биргаликдаги билиш жараёни илмий изланишга яқинлашди. Педагогик вазифаси: янги ўқув ахборотининг мазмунини очиш, муаммони қўйиш ва уни ечимини топишни ташкил қилиш, ҳозирги замон нуқтаи назарларини таҳлил қилиш. |
| 5. | Визуал маъруза | Маърузанинг мазкур шакли визуал материалларни намойиш этиш ҳамда уларга аниқ ва қисқа шарҳлар беришга қаратилган. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотларини ўқитишнинг техник воситалари ва аудио, видеотехника ёрдамида бериш. |
| 8. | Маъруза конференция | Аввалдан қўйилган муаммо ва докладлар тизими (5-10 минут)дан иборат илмий-амалий дарс сифатида ўқув дастури чегарасида ўтилади. Докладлар биргаликда муаммони ҳар томонлама ёритишга қаратилиши керак. Машғулот охирида ўқитувчи мустақил ишлар ва тингловчиларнинг маърузаларга яқун ясаб, тўлдириб, аниқлаштириб хулоса қилади. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотнинг мазмунини ёритиш. |
| 9. | Маслаҳат маъруза | Турли сценарийлар ёрдамида ўтиши мумкин. Масалан, 1) «Савол-жавоб» - маърузачи томонидан бутун курс бўйича ёки алоҳида бўлим бўйича саволларга жавоб берилади. 2) «Савол-жавоб-дискуссия» - изланишга имкон беради. Педагогик вазифаси: янги ўқув маълумотни ўзлаштиришга қаратилган. |

| | |
|----------------|--|
| 1-мавзу | ВАЛЮТА КУРСИ: МАЗМУНИ, АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ. |
|----------------|--|

(Маъруза-2 соат, амалий машғулот- 2 соат)

2.1. Маърузани ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| <i>Вақт - 2 соат</i> | <i>Тингловчилар сони 10 – 15 киши</i> |
| <i>Ўқув машғулоти шакли</i> | Маъруза – конференция |
| <i>Маъруза режаси</i> | <ol style="list-style-type: none"> 1. Валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти. 2. Эркин сузиб юрувчи курслар. 3. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар 4. Кросс-курслар ва уларнинг қўлланилиши. 5. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар. 6. Валюта паритети ва валюта курси. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> | Валюта курси бўйича билимни шакллантириш |
| <i>Педагогик вазифалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта курсининг мазмуни ва аҳамиятини тушунтириш; • Валюта курси турларини ёритиб бериш; • Валюта курсига таъсир этувчи омилларни тушунтириш. | <i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i> <i>Таълим олувчилар:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта курсининг мазмуни ва аҳамиятини очиб бера оладилар, • Валюта курси турларини санайдилар ва гапириб берадилар, • Валюта курсига таъсир этувчи омилларни биладилар ва айтадилар. • Валюта курси режими ва паритетини фарқлайдилар; • Валюта курси назарияларини ўрганадилар; |
| <i>Ўқитиш усули</i> | Маъруза-конференция, мунозара, график органайзер, такдимот техникаси. |
| <i>Ўқитиш воситаси</i> | Маъруза матни, ахборот таъминоти. |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Фронтал ва коллектив бўлиб ишлаш. |
| <i>Ўқитиш шароити</i> | Гуруҳ ишларини ташкиллаштириш учун техник жиҳозланган аудитория |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | Назорат, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли |

Маърузанинг технологик картаси

| Ишнинг босқичлари | Фаолият мазмуни | Таълим берувчи |
|----------------------------------|--|---|
| | | Таълим олувчилар |
| Тайёрлов босқичи | <p>1. Маъруза машғулоти учун реферат мавзулари рўйхатини таклиф этади (1-илова).</p> <p>2. Иш фаолиятлари жараёнлари ва ўқув предметини ўзлаштириши учун мавзунинг муҳим томонларини тушунтиради.</p> <p>3. Маърузага тайёрланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини таклиф этади.</p> <p>4. Ҳар бир мавзу бўйича оппонент танлаб, мавзу докладчисига бириктиришни ташкиллаштиради.</p> <p>5. Ҳар бир докладчига танланган мавзу юзасидан рефератнинг тўлиқ режасини тузиш топшириғини беради ва шу юзасидан маслаҳат беради.</p> <p>6. Ҳамма Тингловчига мавзу бўйича маъруза матни билан ишлаш топшириғини беради. (2-илова).</p> <p>7. Оппонент ва докладчиларнинг баҳоланиши мезони билан таништиради (3-илова). Докладчилар билан маърузадаги чиқиш шакли ва тузилишини, шунингдек олиб боровчи ва экспертларнинг роли, ҳамда чиқиш регламенти ва тартибни муҳокама қилади.</p> <p>8. Таёрланган реферат мазмуни билан танишади, яъни ўрганувчилар реферат мазмуни тўлиқ бўлишига ёрдам берадиган зарурий саволлари ва жавоблар учун.</p> | <p>Реферат мавзусини танлайдилар.</p> <p>ЎУМга қаранглар.</p> <p>Докладчиларга оппонентлар бириктириладилар.</p> <p>Мавзу танлаган докладчи реферат режасини тузадилар.</p> <p>Қўшимча маълумотлар ва маъруза мазмунини тўлдириш учун докладчи саволлари қайта ишланади. ЎУМга қаранглар.</p> <p>Чиқиш тартиби ва вақти, баҳолаш мезони билан танишадилар</p> <p>Чиқишга тайёргарлик кўрадилар.</p> <p>Тезгина рефе-ратга ўзгарти-ришлар, аниқликлар, қўшимчалар киритадилар.</p> <p>Доклад учун жалб этувчи маълумотлар бўйича реферат ёзадилар.</p> |
| 1.Мавзуга кириш босқичи (5 мин.) | <p>1.1.Маъруза мавзусини, мақсадини ва режалаштирилган ўқув фаолиятининг натижаларини эълон қилади.</p> <p>1.2.Маъруза-конференция мунозара шаклида олиб борилиши ҳақида эълон қилади. Мунозара олиб бориш тартибини эслатади, “Оппонент ва докладчиларни баҳолаш мезонини” доскага илади.</p> | <p>Эшитадилар, ёзадилар, саволлар берадилар, аниқлаштирадилар .</p> |

| | | |
|----------------------------------|--|--|
| <p>2.Асосий босқич (60 мин.)</p> | <p>2.1.Тайёрланган докладлар ва хабарлар бўйича Тингловчилар чиқишини ташкиллаштиради. 2.2. Доклад мазмунини коллективли муҳокамасини ташкиллаштиради. Олиб борувчи билан биргаликда коллективли муҳокама жараёнини бошқаради. – саволлар беради -докладнинг асосий томонларини аниқлаштиради - берилаётган материаллар мазмунини диққат билан назорат қилади, - баён этилаётган маълумотларнинг муҳокамасига эҳтиёж тугилса, докладчини бир неча сонияга тўхтатиб, маърузани коллективли муҳокама кўринишига утказди. 2.3. Ҳар бир докладнинг муҳокамаси қисқача умумий хулоса билан якунланади.</p> | <p>Қатнашувчилар докладни ўқийдилар. Оппонентлар ўз фикрларини билдириб саволлар берадилар. Қатнашувчилар доклад мазмунини коллектив бўлиб муҳокама қиладилар, мунозара қиладилар. Экспертлар ҳар бир мавзу бўйича мунозара натижасини баҳолайдилар</p> |
| <p>3.Яқуний босқич (15 мин.)</p> | <p>3.1. Маъруза машғулотининг яқунини чиқаради: - натижаларни умумлаштиради, олинган балларни эълон қилади, - докладнинг тайёрланганлигини ва маъруза қатнашувчиларнинг мунозара жараёнидаги фаоллигини баҳолайди - лекция-конференция натижаларига умумий баҳо беради. 3.2. Таклиф этилган адабиётлар рўйхати асосида ва маъруза матнларидан фойдаланган ҳолда мустақил ўқиб, бўлажак семинар дарсига тайёрланиш топшириғини беради.</p> | <p>Экспертлар докладчилар ва оппонентлар-нинг тайёргарлигини белгилайдилар, қўйилган балларни кўшадилар, баҳо натижаларини эълон қиладилар.</p> |

1-илова

Маърузада кўриладиган доклад мавзулари

1. Валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти.
2. Эркин сузиб юрувчи курслар.
3. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар
4. Кросс-курслар ва уларнинг қўлланилиши.
5. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.
6. Валюта паритети ва валюта курси.

2-илова

Хулосаларни шакллантириш ва муҳокама қилиш учун маъруза матни мавзулари

- 1-Мавзу.** Валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти.
- 2-Мавзу.** Эркин сузиб юрувчи курслар.
- 3-Мавзу.** Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.

Мунозара қатнашчиларини баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

| Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари (балларда) | Иштирокчилар | | | |
|---|--|--|--|--|
| | Маърузачилар (Ф.И.О) | | | |
| 1.Маъруза мазмуни (2,5): | | | | |
| - мавзуга мослиги (1,5); | | | | |
| - баён қилишнинг аниқлиги ва равлонлиги (0,5); | | | | |
| - хулосаларни аниқ берилиши – (0,5) | | | | |
| 2.Маълумотларни тақдим қилишда фойдаланилган воситалар – (0,9) | | | | |
| 3.Регламентга амал қилиш – (0,6) | | | | |
| Жами: (максимал – 4,0) | | | | |
| | Оппонент/мунозара иштирокчиси (Ф.И.О) | | | |
| 1. Саволлар: | | | | |
| - сони (ҳар бирига 0,3) | | | | |
| 2. Қўшимча | | | | |
| - сони (ҳар бирига 0,2) | | | | |
| - мавжудлигига кўра (0,3) | | | | |
| Жами: (максимал – 3,0) | | | | |

2.2. Амалий машғулоти ўқитиш технологияси

| | |
|--|--|
| <i>Вақти - 2 соат</i> | <i>Тингловчилар сони 15 ва ундан кўп киши</i> |
| <i>Ўқув машғулоти шакли</i> | Билимни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар |
| <i>Семинарда муҳокама қилиш учун саволлар</i> | <ol style="list-style-type: none"> 1. Валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти. 2. Эркин сузиб юривчи курслар. 3. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар 4. Кросс-курслар ва уларнинг қўлланилиши. 5. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар. 6. Валюта паритети ва валюта курси. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> | Валюта курсига оид билимни чуқурлаштириш ва кенгайтириш |
| <i>Педагогик вазифалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> • мавзу бўйича билимни чуқурлаштириш ва кенгайтириш • адабиётлар билан мустақил ишлашини ривожлантириш • ўқув билимини, мулоқотини, таҳлиллашни янгича тизимда шакллантириш • коммуникативи янгиликни ривожлантириш. | <i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i> <i>Таълим олувчилар:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта курсининг мазмуни ва аҳамиятини очиб бера оладилар; • Валюта курси турларини санайдилар ва гапириб берадилар; • Валюта курсига таъсир этувчи омилларни биладилар ва айтадилар; • Инфляция ва макроиктисодий барқарорлик ўртасидаги боғлиқликни билиб оладилар; • Тўлов баланси ва валютага талаб таклиф механизмини тушунадилар; • Харид паритети тавсилотларини билиб оладилар. |
| <i>Ўқитиш усули</i> | Ҳамкорликда ўқиш, мунозара, кооп-кооп техникаси, тақдимот. |
| <i>Ўқитиш воситаси</i> | Маъруза матни, ахборот таъминоти, тақдимот учун А32 коғозлар, маркерлар, скотч. |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Коллектив бўлиб ишлаш, гуруҳ бўлиб ишлаш |
| <i>Ўқитиш шароити</i> | Гуруҳ ишларини ташкиллаштириш учун техник жиҳозланган аудитория |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | Назорат, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли |

Амалий машғулотнинг технологик картаси

| Ишнинг босқич-лари | Фаолият мазмуни Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
|----------------------------------|---|---|
| 1.Мавзуга кириш босқичи (5 мин.) | 1.1.Ўқув машғулотининг мавзуси, мақсади, ўқув режаси ва машғулот олиб боришдаги режалаштирилган натижаларни хабар қилади. 1.2.Машғулот гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш техникасини қўллаган ҳолда олиб борилишини эълон қилади. Гуруҳларда ишлаш қоидасини эслатади. Иш тартиби ва регламентни тушунтиради (1-илова). | Эшитади, ёзадилар, саволлар берадилар, аниқлаштирадилар. ЎУМга қаранглар |
| 2.Асосий босқич (65 мин.) | 2.1.Ўқиш даражаси турлича бўлган 3-бгача кишини ташкил этувчи гуруҳларни, натижаларни баҳолаш ва назорат қилиш учун экспертларни шакллантиради ва улар вазифасини тушунтиради (2-илова) Гуруҳлар бўйича ўқув топшириғини тарқатади (3-илова). Баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини (4-илова), топшириқни бажариш юзасидан қайси қўшимча маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради (дарслик, маъруза матни). Гуруҳ ишларининг бошланиши ҳақида эълон қилади. 2.2.Тақдимот ва иш натижаларини баҳолашни ташкиллаштиради. Шархлайди, жавобларни тўғрилайди, топшириқни бажариш жараёнида қилинган хулосаларга, мулоқотга диққат қилади. | Ўқув топшириғи, баҳолаш мезони билан танишадилар. Умумий топшириқни тақсимлайдилар ва бажаришга киришадилар. ЎУМга қаранглар. Коллектив умумий докладини шакллантирадилар.Иш натижалари тақдимотида назорат саволларига жавоб берадилар. Колган катнашувчилар саволлар бериб гуруҳ чиқишини тўлдирадилар. Экспертлар гуруҳ ишларини баҳолайдилар. |
| 3.Яқуний босқич (10 мин.) | 3.1. Гуруҳ ишларининг яқуини чиқаради, баҳоларни қўйиш орқали голиб гуруҳни аниқлайди. 3.2. Таклиф этилган адабиётлар рўйхатидан фойдаланиб “Влютов курсига таъсир этувчи омиллар” мавзусида реферат ёзиш ва ҳимоя қилиш топшириғини беради. | Гуруҳ экспертлари вакиллари яқуний баҳоларни эълон қиладилар. Топшириқни ёзадилар, аниқлаштирадилар. |

1-илова

Семинар машғулотида ишлаш тартиби ва регламент

1. Гуруҳнинг топшириқни бажариши ва тақдимот варақларини расмийлаштириш – 20 мин.
2. Иш натижалари тақдимоти билан чиқиш қилиш – 5 мин.
3. Гуруҳ ишларини коллективли муҳокамаси ва баҳолаш – 5 мин.

Гуруҳ экспертлари вазифаси

1. Гуруҳ мустақил ишлари жараёнида уларнинг ўқув топшириқлари билан танишади ва ҳар бир гуруҳ учун битта назорат саволини тузиш.
2. Семинарда ишлар ва регламентни диққат билан кузатиш, муолажалани саволларни бошқариш (гуруҳ чиқиши учун ва бошқа қатнашувчилар томонидан тўлдирилиши учун сўз бериш).
3. Ҳар бир гуруҳ тақдиротидан сўнг уларга назорат саволини бериш.
4. Гуруҳ ишлари баҳосини айтиш.
5. Гуруҳ ишларининг якуний баҳосига овоз бериш.

Ўқув топшириғи

1 – гуруҳ

1 – топшириқ. Тест.

1. Форвард курси Спот курсларига нисбатан чегирма ёки мукофот кўринишида катировка қилинади, масалан, доллар Спот курсида 2,4000 долл. 1 фунт стерлингга бир ойга 0,0130 – 0,0120 долл. мукофот билан котировка қилинса, бир ойлик харидор курси қанчага тенг?
 - 1) 2,3870 долл.;
 - 2) 2,4130 долл.;
 - 3) 2,4120 долл.

2. Халқаро қоидага мувофиқ 100 коэффиенти қўлланиладиган валютани кўрсатинг.
 - а) АҚШ доллари;
 - б) евро;
 - в) Канада доллари;
 - г) Буюк Британия фунт стерлинги.

3. Ирландия давлати Марказий банки қонун бўйича миллий валютанинг курсини чет эл валютасига нисбатан маълум даражада сақлаш мажбуриятини олмаган. Айни вақтда, у миллий валюта курсининг тебранишларини пасайтириш мақсадида тез-тез валюта интервенциясини амалга оширади. Халқаро Валюта Фонди экспертлари 1 йил муқаддам Ирландия тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида валютавий чекловларнинг мавжуд эмаслигини тан олдилар.

Ирландия миллий валютасининг курс режимини аниқланг.

 - а) эркин сузиб юривчи режим;
 - б) қатъий белгиланган курс режими;
 - в) бошқариладиган курс режими.
 - в) своп.

4. Муддатли валюта курси нимага боғлиқ?
 - а) битимни тузиш пайтидаги спот курсга;
 - б) хорижий ва миллий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкалари миқдорига;
 - в) иккаласи тўғри;
 - г) тўғри жавоб йўқ.

5. Валюта курсининг ошиши LM эгри чизигининг қайси томонга силжишига олиб келади:
 - а) ўнгга;
 - б) чапга;
 - в) силжишга олиб келмайди.

2 - Гурух

1 – топшириқ. Тест.

Айтайлик, фунт стерлинг АҚШ долларига нисбатан девальвация қилиниб, унинг курси 1,6 дан 1,2 маркага пасайди. АҚШдан БуюкБританияга қилинаётган экспортларнинг бажарилмай қолган қисми 40 млн. фунт стерлинг. АҚШлик экспортёрлар кўрадиган зарар суммаси қанчага тенг?

- а) 16 млн. доллар;
- б) 8 млн. доллар;
- в) 10 млн. доллар.

2. Еврозона таркибига қайси мамлакатлар кирмайди?

- а) Буюк Британия;
- б) Швеция;
- в) Дания;
- г) барча айтилганлар тўғри;
- д) тўғри жавоб йўқ.

3. Бреттон-Вудс битими асосида давлатлар ўз валюталарини бевосита олтинга айирбош қилмасдан туриб уларнинг олтинга асосан қийматини аниқлашга келишиб олдилар. Бирок бир мамлакатнинг пул бирлиги бундан мустасно эди. У қандай валюта?

- а) фунт стерлинг;
- б) АҚШ доллари;
- в) Франция франки;
- г) немис маркаси.

4. Форвард курсининг даражаси қуйидаги кўрсаткичларнинг қайси бирига боғлиқ?

- а) спот курсига;
- б) фоиз ставкалари ўртасидаги фарққа;
- в) форвард валюта битимининг муддатига;
- г) битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкасига.

3 – гурух

1 – топшириқ. Тест.

1. Қатъий белгиланган валюта курси режимининг асосий камчилиги нимада?

- 1) Валюталарнинг расмий ва бозор курслари ўртасида фарқнинг юзага келиши;
- 2) Валюта резервларини кўплаб сарф этиб юборилиши;
- 3) Экспортга товар ишлаб чиқарувчи тармоқларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

2. Ёпиқ валюта бу:

- а) интеграцион уюшмаларда ишлатиладиган валюта;
- б) ХВФ валютаси;
- в) қатъий белгиланган олтин таркибига эга валюта;
- г) конвертирланмайдиган валюта (валюта операцияларининг аксарият қисмини амалга ошириш тақиқланади);
- д) тўғри жавоб йўқ.

3. «Олтин стандарт» тизимининг хусусиятларига қуйидагилардан қайсиларни киритиб бўлмайди:

- а) банкноталар олтинга эркин айирбошланади;
- б) мамлакатдаги пуллар миқдори олтин захиралар билан аниқланади;
- в) мамлакатга олтинни олиб кириш ва олиб чиқишга чеклашлар мавжуд;
- г) тўлов балансини тартибга солиш автоматик тарзда амалга оширилади;

д) валюта курси «олтин паритети» асосида аниқланади.

4. Валютани сотиб олиш ва сотиш курси ўртасидаги фарқ қандай номланади?

а) дивиденд;

б) спрэд;

4 – илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари (баллда)

| Топширик, баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари | 1 – гуруҳ | 2-гуруҳ | 3-гуруҳ |
|---|-----------|---------|---------|
| 1- топширик 0,3 | | | |
| 2-топширик: | | | |
| -мавзуга мос келиши -0,8 | | | |
| - баённинг аниқ ва раволиги - 0,5 | | | |
| -хулосаларни аниқ ёритиб бериши -0,5 | | | |
| Регламентга амал қилиниши - 0,2 | | | |
| Назорат саволига тўғри жавоб -0,1 | | | |
| Бошқа тўлдиришлар- 0,1 | | | |
| Жами 3 балл | | | |

Семинардаги жами юқори баҳолаш: – 3 балл: 2,2-3 балгача – “аъло”; 1,2-2 балгача – “яхши”; 0,5 – 1,1 балгача “кониқарли”; 0-0,5балгача - “кониқарсиз”

2.1. Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

| <i>Вақти- 2 соат</i> | <i>Тингловчилар сони 20 –25 киши</i> |
|---|---|
| <i>Ўқув машғулотини шакли</i> | Ахборотли маъруза |
| <i>Маъруза режаси</i> | <ol style="list-style-type: none"> 1. Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари. 2. Валюта сиёсатининг асосий шакллари. 3. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодий таъсири. 4. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари: валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация. 5. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари. 6. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> | Валюта сиёсати, унинг турлари ва дисконт сиёсати бўйича билимни шакллантириш. Девиз сиёсати, унинг асосий кўринишлари ва валютавий чеклашларни жорий қилиш моҳиятини очиб бериш, шунингдек, девиз сиёсати бўйича билимни шакллантириш |
| <i>Педагогик мақсади:</i> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари ҳақида тушунча бериш • Валюта сиёсатининг асосий шакллари очиб бериш • Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодий таъсири тушунтириш • Девиз сиёсатининг моҳияти ва вазифасини тушунтириш; • Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалаларини ўргатиш; • Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришларга тавсиф бериш; | <p style="text-align: center;"><i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i> <i>Таълим олувчилар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари моҳиятини тушунтира оладилар; • Валюта сиёсатининг асосий шакллари ёритиб берадилар; • Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодий таъсири изоҳлаб берадилар; • Девиз сиёсатининг моҳиятини очиб, вазифасини ёритадилар; • Валютавий чеклашларни мустақил гапирдилар; • Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришларни ёритиб берадилар; |

| | |
|------------------------------|---|
| <i>Ўқитиш усули</i> | Ахборотли маъруза, суҳбат, мунозара шакли, блиц- опрос |
| <i>Ўқитиш воситаси</i> | Лазерли видео проектор, компьютер, визуал материаллар |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Фронтал, гуруҳ бўлиб ишлаш |
| <i>Ўқитиш шароити</i> | Гуруҳ ишларини ташкиллаштириш учун техник жиҳозланган аудитория |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | Назорат, оғзаки назорат, савол-жавоб |

Маърузанинг технологик картаси

| Ишнинг босқичлари | Фаолият мазмуни <i>Таълим берувчи</i> | <i>Таълим олувчилар</i> |
|----------------------------------|--|---|
| 1.Мавзуга кириш босқич (20 мин.) | 1.1. Маъруза машғулотининг мавзусини, мақсади ва ўқув натижаларини эълон қилади. 1.2. Машғулотни олиб бориш шакли ва баҳолар мезонини тушунтиради. (1–илова). 1.3. Ушбу мавзу бўйича ҳар бир Тингловчига маъруза матнларини тарқатади. 1.4. Маъруза машғулотининг мавзуси бўйича режани ва калитли тушунчаларни шархлайди. | Эшитадилар ЎУМга қаранглар |
| 2.Асосий босқич (60 мин.) | 2.1.Саволларга ўйлаб жавоб беришни таклиф этади. Блиц-опрос усулини олиб боради. Жараёнда тўғрилайди, аниқлаштиради. 2.2. Эркин ҳолатда Тингловчиларни 4 минигуруҳга ажратади. Ҳар бир гуруҳдан битта эксперт сайланишини ва у колган барча гуруҳ аъзоларига янги мавзу саволлари бўйича ўргатишини айтади. 2.3. Эксперт варақаларини тарқатади. (2-илова) ва гуруҳларда ишлашни ташкиллаштиради. 2.4. Такдимотни бошланиши ҳақида эълон қилади Маслахатчи кўринишида қатнашади. Шархлайди, аниқлаштиради, тўғрилайди. 2.5. Такдимот охирида ҳар бир гуруҳнинг ҳар бир саволи бўйича хулоса қилади Тингловчиларнинг ушбу мавзу саволлари мазмунидаги асосийсига диққатини жалб этади. | Саволларга жавоб берадилар. 6-7кишидан иборат 4гуруҳ-га бўлинади ЎУМга қаранглар. Гуруҳ ҳам-корликда иш-лайди: кўйилган савол бўйича жавоб-ни маъруза матнидан кидирадилар ва ўқийдилар. Маълумот-ларни йиғадилар. Фикрлар алма-шадилар. Муҳока-ма вақтида танланган маълумотларни такдим этиш учун график органайзерлар тузилади. Гуруҳ лидерлари маълумотлар-дан |

| | | |
|---------------------------|--|--|
| | | фойдаланган ҳолда қўйилган савол мазмунига жа-воб бўладиган маълумотлар-ни намойиш этадилар. |
| 3.Якуний босқич (10 мин.) | 6.1. Мавзу бўйича тўлиқ хулоса қилади 6.2. Гуруҳларга фарқи бир-бирига куйган баҳосини айтишни таклиф қилади. Натижаларни шархлайди. 6.3. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: - назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3-илова), - келгусидаги дарслар учун таклиф этилган адабиётлар рўйхатидан фойдаланган ҳолда мустақил ўрганиш. | Гуруҳлар бир-бирининг якуний баҳосини хабарлайдилар. Мустақил иш учун топшириқни ёзадилар. ЎУМга қаранглар. |

1-илова (3.1.)

Тингловчиларнинг фаолиятини баҳолаш мезони кўрсаткичлари

Рейтинг бўйича маъруза машғулоти

- 1,5 – 2 баллгача - “аъло”
1,0 – 1,4 баллгача - “яхши”
0,5 – 0,9 баллгача - “қониқарли”
0 – 0,4 баллгача - “қониқарсиз”

Эксперт гуруҳининг ишлари натижаларини баҳолаш мезонлари

| Мезонлар | Максимал балл | Гуруҳ ишларининг натижалари | | | |
|---|---------------|-----------------------------|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Маълумотнинг тўлиқлиги | 1,0 | | | | |
| Маълумот-ни график асосида тақдим қилиниши | 0,6 | | | | |
| Гуруҳ фаоллиги (тўлдириш, саволлар, жавоблар) | 0,4 | | | | |
| Баллнинг максимал суммаси | 2 | | | | |

2-илова (3.1)

1-Эксперт варақаси

Валюта сиёсати турлари

1. Девиз сиёсати.
2. Дисконт сиёсати
3. Девальвация

(Жадвал, схема, кластер ва б.ш.к. кўринишида тақдим этилсин.)

2-Эксперт варақаси

Девиз сиёсати турлари

1. Валюта интервенцияси

2. Ревальвация
3. Валюта захиралари диверсификацияси
(Жадвал, схема, кластер ва б.ш.к. кўринишида тақдим этилсин.)

3-Эксперт варақаси

Валюта сиёсатига таъсир этувчи омиллар

1. Тўлов баланси
2. Инфляция
3. Валютага бўлган талаб ва таклиф
(Жадвал, схема, кластер ва б.ш.к. кўринишида тақдим этилсин.)

4-Эксперт варақаси

Дисконт сиёсати

1. Учёт ставкаси
2. Деноминация
3. Қайта молиялаштириш
(Жадвал, схема, кластер ва б.ш.к. кўринишида тақдим этилсин.)

3-илова (3.1.)

Ўзини текшириш ва ўзини баҳолаш бўйича назорат саволлари:

1. Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари.
2. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.
3. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётига таъсири.
4. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари.
5. Валюта интервенцияси нима?
6. Девальвация.
7. Ревальвация.
8. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.
9. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар.
10. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.

3.2. Амалий машгулот ўқитиш технологияси

| <i>Вақти- 2соат</i> | <i>Тингловчилар сони 20 ва ундан кўп</i> |
|---|---|
| <i>Ўқув машгулоти шакли</i> | Билимни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича семинар |
| <i>Семинар режаси</i> | <ol style="list-style-type: none"> 1. Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари. 2. Валюта сиёсатининг асосий шакллари. 3. Дисконт сиёсатининг мамлакат иқтисодиётига таъсири. 4. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётига таъсири. 5. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари: валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация. 6. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари. |
| <i>Ўқув машгулотининг мақсади</i> | Валюта сиёсати, унинг турлари ва дисконт сиёсати бўйича олинган билимларни амалиётга қўллашни шакллантириш. Девиз сиёсати, унинг асосий кўринишлари ва валютавий чеклашларни жорий қилиш моҳиятини очиб бериш, шунингдек, девиз сиёсати бўйича билимни шакллантириш |
| <p><i>Педагогик мақсади:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари ҳақида тушунча бериш • Валюта сиёсатининг асосий шакллари очиб бериш • Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсири тушунтириш • Девиз сиёсатининг моҳияти ва вазифасини тушунтириш; • Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалаларини ўргатиш; • Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришларга тавсиф бериш; | <p><i>Ўқув машгулотининг натижалари:</i></p> <p>Таълим олувчилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Валюта сиёсати ва унинг асосий турлари моҳиятини тушунтира оладилар; • Валюта сиёсатининг асосий шакллари ёритиб берадилар; • Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётга таъсирини изоҳлаб берадилар; • Девиз сиёсатининг моҳиятини очиб, вазифасини ёритадилар; • Валютавий чеклашларни мустақил гапирадилар; • Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришларни ёритиб берадилар. |
| <i>Ўқитиш усули</i> | Сухбат усули, муҳокама усули, блиц-опрос. |
| <i>Ўқитиш воситаси</i> | Маъруза матни, тарқатма материаллар, А32 қоғоз варақлари, маркерлар, скотч |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Фронтал ишлаш, гуруҳларда ишлаш. |
| <i>Ўқитиш шароити</i> | Гуруҳ ишларини ташкиллаштириш учун техник жиҳозланган аудитория |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | Назорат, оғзаки савол-жавоб шакли |

Амалий машғулотнинг технологик картаси


| Ишнинг босқичлари | Фаолият мазмуни <i>Таълим берувчи</i> | <i>Таълим олувчилар</i> |
|------------------------------------|--|---|
| 1. Мавзуга кириш босқичи (10 мин.) | <p>1.1. Машғулот мавзусининг мақсадини ва режалаштирган натижаларини эълон қилади, унинг долзарблиги ва моҳиятини шархлайди.</p> <p>1.2. Тингловчиларнинг билимини фаоллаштириш мақсадида суҳбат шаклида тахминий жавоблар учун саволлар беради (2-илова).</p> <p>Билимни фаоллаштириш жараёнида Тингловчиларнинг ўқув муаммоларини ҳал қилиш бўйича фаол иштирок этиши улар учун зарурий билим даражасини аниқлайди.</p> | <p>Машғулотни езиб оладилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>ЎУМга қаранглар</p> |
| 2. Асосий босқич (55 мин) | <p>2.1. Ўқув вазифаларини кўяди, Тингловчилар билан масалаларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилади.</p> <p>Иш юзасидан қандай натижалар кутаётганлигини тушунтиради. Гуруҳ фаолиятининг натижаларини намойиш этиш шакллари ҳақида хабар қилади. Ҳар бир Тингловчи ва гуруҳ бўйича баҳолаш мезонларини тушунтиради. (3-илова).</p> <p>2.2. Тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлади. Вазифаларни тақсимлайди. Вазифаларни ечишда қайси кўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.</p> <p>2.3. Гуруҳ билан топшириқни бажариш бўйича инструкцияни доскага илиб кўяди ва уни Тингловчилар билан муҳокама қилади.</p> | <p>Вазифани муҳокама қиладилар</p> <p>Ўқув материаллари ва инструкциялари билан танишадилар</p> <p>ЎУМга қаранглар</p> <p>Кичик гуруҳга бўлинадилар.</p> |
| | <p>2.4. Гуруҳ ишини ташкиллаштиради.</p> <p>Кузатувчи сифатида қатнашади. Аммо бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ишлаётган гуруҳни назорат қилади, аммо уларни бошқармайди; - алоҳида ишга эътибор беради, аниқ топшириқни бажариш учун зарурий билимни шакллантириш. <p>Топшириқни бажариш бўйича қилинган ишларни канчалик билиши мақсадида очик саволлар беради: “Сиз нима учун бундай ўйлайсиз?”, “Нима учун айнан бу усул?”,</p> <ul style="list-style-type: none"> - Тингловчилар иш йўналишларини шархлайди, уларга баҳолари самарадорлигига таъсир қилувчи аниқ маълумотлар беради. Аниқ эслатмалар беради. <p>2.6. Тақдимотни бошланиши ҳақида эълон қилади. Иш натижалари ҳақида хабар берувчи гуруҳ вакилларини биргаликдаги муҳокама ва баҳолаш учун тайинлайди.</p> <p>2.7. Гуруҳнинг топшириқни бажаришда ундаги маълумотларни канчалик ўзлаштирганлиги ва ишларининг натижаларини аниқлаш учун ҳамкорлик назоратини ташкиллаштиради.</p> | <p>Гуруҳда ишни режалаштирадилар.</p> <p>Гуруҳ ичида топшириқ саволларини тақсимлайдилар</p> <p>Уларни алоҳида бажарадилар. Натижалар (алоҳида) муҳокама қилинади. Ўқув топшириғи бўйича гуруҳ ишларининг умумий натижалари шакл-ланади ва тақдимотга тайёрланади. Гуруҳ вакил-лари иш натижалари ҳақида хабар қиладилар. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳни текшириш мақсадида назорат саволларини тайёрлайдилар.</p> |

| | | |
|----------------------------|---|--|
| 3. Якуний босқич (15 мин.) | 3.1. Гуруҳ ишлари натижаларини таҳлил қилади 3.2. Бажарилган топшириқнинг якунини чиқаради. 3.3. Қўйилган мақсадга эришилганлиги ҳақида хулоса қилади. 3.4. Ўтилган маъруза бўйича берилган топшириқни эслатади ва якуний хулосани айтади. | |
|----------------------------|---|--|

1-илова

Ўқув топшириғи 1-гуруҳ

Валюта сиёсати турлари таркибий тузилишини чизинг.



2-гуруҳ

Валюта бозорининг сегментларини жадвал асосида кўрсатиб тушунтиринг ва уларга таъриф беринг

| Валюта бозори | Капитал бозори | Фонд бозори | Ссуда бозори |
|---------------|----------------|-------------|--------------|
| | | | |

3 –гуруҳ

Валюта сиёсати хусусиятларини жадвал асосида тушунтиринг.

| Дисконт | Девиз | Валютавий чеклашлар | Девальвация ва ревальвация |
|---------|-------|---------------------|----------------------------|
| | | | |

Билимни фаоллаштирувчи саволлар:

1. Валюта сиёсати деганда нима тушунаси?
2. Валюта сиёсатининг қандай асосий турларини биласиз?
3. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.
4. Дисконт сиёсати ва унинг иқтисодиётига таъсири.
5. Девиз сиёсати ва унинг асосий кўринишлари: валюта интервенцияси, девальвация, ревальвация, валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.
6. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар.
7. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.

Гуруҳ ишларини баҳолаш жадвали

| Гуруҳ | Жавобнинг тўлиқлиги ва аниқлиги (1.0) | Маълумот-ни беришдаги жалб этишлик қобилияти (0.5) | Гуруҳ ҳар бир аъзосининг фаоллиги (0.5) | Балларнинг умумий сони | Баҳо |
|-------|--|---|---|---------------------------|------|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг чиқишини мезон бўйича балларни қўшган ҳолда баҳолайди. Гуруҳнинг олган баҳоси гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг баҳосини аниқлайди: 1,5 дан 2,0 баллгача – « аъло »; 1,0 дан 1,4 гача – « яхши »; 0,5 дан 0,9 гача - « қониқарли »; 0,0 дан 0,4 гача – « қониқарсиз ».

| | |
|----------------|--------------------------|
| 3-мавзу | ВАЛЮТА БОЗОРЛАРИ. |
|----------------|--------------------------|

(Амалий машғулот – 2 соат)

3.1. Амалий машғулотини ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| <i>Вақт - 2 соат</i> | <i>Тингловчилар сони 15 ва ундан юқори</i> |
| <i>Ўқув машғулотини шакли</i> | Семинар-конференция |
| <i>Семинарда муҳокама қилиш учун саволлар</i> | <ol style="list-style-type: none"> 1. «Валюта бозори» тушунчасининг мазмуни. Валюта бозорининг субъектлари. 2. Валюта бозорининг турлари. Миллий валюта бозорлари. Регионал валюта бозорлари. Жаҳон валюта бозорлари. 3. Тижорат банклари валюта бозорининг асосий иштирокчиси сифатида. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> | Мавзу ва унинг йўналиши бўйича билимни кенгайтириш ва чуқурлаштириш |
| <i>Педагогик вазифалари:</i> | <i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i> <i>Таълим олувчилар:</i> |
| <ul style="list-style-type: none"> • «Валюта бозори» тушунчасининг мазмунини тушунтиради; • Валюта бозорининг турлари ёритиб беради; • Регионал ва жаҳон валюта бозорлари аҳамиятини очиб беради | <ul style="list-style-type: none"> • «Валюта бозори» тушунчасининг мазмунини гапирадилар; • Валюта бозори иштирокчиларини санаб берадилар; • Валюта бозори функцияларини тушунтирадилар; • Валюта бозорининг турлари тавсиф бера оладилар; • Валюта бозоридаги операцияларни моҳиятини англаб етадилар; • Регионал ва жаҳон валюта бозорлари аҳамиятини тўлиқ ёрита оладилар; • Валюта бозорларини узлуксиз ишлаш механизми билан танишадилар. |
| <i>Ўқитиш усули</i> | Семинар-конференция, коллективли мунозара, муҳокама усули. |
| <i>Ўқитиш воситаси</i> | Маъруза тезислари, “мунозара қатнашчиларига эслатма”, “баҳолаш мезонлари” жадвали |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Коллектив бўлиб ишлаш, фронтал |
| <i>Ўқитиш шароити</i> | Гуруҳ ишларини ташкиллаштириш учун техник жиҳозланган аудитория |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | Назорат, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли |

Амалий машғулотнинг технологик картаси

| Ишнинг босқич-лари | Фаолият мазмуни Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
|--------------------|---|---|
| Тайёр-лов босқичи | Тайёрланган реферат мазмуни билан танишади, рефератни тўлдириш юзасидан Тингловчиларнинг жавоб беришлари мумкин бўлган зарурий саволларни қўяди | Семинарда тайёргарлик кўрадилар, ёзилган маъруза бўйича эхтимоллий саволларга |

| | | |
|---------------------------------|--|--|
| | | жавоб тайёрлайдилар |
| 1.Мавзуга кириш босқичи (5мин.) | 1.1. Семинарнинг мавзусини, мақсадини, режалаштирилган ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади, машғулотнинг ўзига хос томонларини айтади, бошловчини таништиради. 1.2. Машғулотни олиб бориш тартибини тушунтиради, “мунозара қатнашчиларининг баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари”ни доскага илади (1-илова). | Бошловчи маърузачи, эксперт ва оппонентларни таништирадилар. «қатнашчиларнинг баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари» билан танишадилар. ЎУМга қаранглар. Аниқлаштирувчи саволлар берадилар. |
| 2.Асосий босқич (60 мин) | 2.1. Тайёрланган маърузалари ва хабарлари билан Тингловчиларнинг чиқишини ташкиллаштиради: - маълумот мазмунини диққат билан кузатади; - баён этилаётган маълумотни муҳокамасига эҳтиёж сезилса, маърузачини бир неча дақиқага тўхтатиб, семинарни коллективли мунозара кўринишида утказилади. 2.2.Маъруза мазмунини коллективли муҳокамасини ташкиллаштиради: - бериладиган саволлар мавзу юзасидан хулосаларни шакллантириш бўйича боради (2-илова); - маърузанинг асосий ижобий томонларини аниқлайди; - айтилаётганларга қизиқишни шакллантиради. Ҳар бир маъруза қисқа, умумий мулоқот билан якунланади. | Бошловчи маърузачига сўз берадилар. Қатнашувчи маърузани ўқийдилар. Олиб борувчи оппонентга сўз берадилар. Улар ўз фикрларини айтиб, саволлар берадилар, мунозарада қатнашадилар. ЎУМга қаранглар. Қатнашувчилар маъруза мазмунини коллективли муҳокама қиладилар, мунозара қиладилар. Экспертлар маърузачи ва оппонентларни баҳолайдилар ва балл кўядилар |
| 3.Яқуний босқич (15 мин) | 3.1.Семинар яқунини ташкиллаштиради: - экспертга сўз беради; - мавзу мазмуни бўйича яқунийни чиқаради; - асосий жойларини қисқача шархлайди; - саволлар муҳокамаси бўйича жавоблар мазмунига кўра хулосани шакллантиради; - семинар натижаларига умумий баҳо беради. 3.2.Маъруза матнидан кейинги мавзуни Инсперт техникасини қўллаган ҳолда ўқиш топшириғини беради. | Экспертлар: -маърузачиларнинг, оппонентларнинг тайёргарлигини шархлайдилар; - маърузачи ва оппонентларга қўйилган баҳоларни кўшадилар. Уларни эълон қиладилар. Эшитадилар, топширикни ёзадилар. |

Мунозара қатнашчиларини баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

| Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари (балларда) | Иштирокчилар | | | |
|---|--|---|---|---|
| | Маърузачилар (Ф.И.О) | | | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1.Маъруза мазмуни (2,5): | | | | |
| - мавзуга мослиги (1,5); | | | | |
| - баён қилишнинг аниқлиги ва равлонлиги (0,5); | | | | |
| - хулосаларни аниқ берилиши– (0,5) | | | | |
| 2.Маълумотларни тақдим қилишда фойдаланилган воситалар – (0,9) | | | | |
| 3.Регламентга амал қилиш – (0,6) | | | | |
| Жами : (максимал – 4,0) | | | | |
| | Оппонент/мунозара иштирокчиси (Ф.И.О) | | | |
| | 1 | 2 | 3 | N |
| 1. Саволлар: | | | | |
| - сони (хар бирига 0,3) | | | | |
| 2. Қўшимча | | | | |
| - сони (хар бирига 0,2) | | | | |
| - мавжудлигига кўра (0,3) | | | | |
| Жами: (максимал –3,0) | | | | |

Муҳокама ва хулосаларни шакллантириш учун саволлар

1. “Валюта бозори” тушунчасининг мазмуни.
2. Валюта бозорининг субъектлари. Валюта бозорининг турлари.
3. Миллий валюта бозорлари.
4. Регионал валюта бозорлари.
5. Жаҳон валюта бозорлари.
6. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта бозорининг юзага келиши ва фаолиятини режими.
7. Валюта дилинги тушунчаси.
8. Валюта клиринги, унинг аҳамияти ва турлари.
9. Валюта курси ва унинг бошқарилиши.
10. Валюта бозори: мақсади, функцияси

4.1.Амалий машғулотини ўқитиш технологияси

| | |
|---|--|
| <i>Вақти-2 соат</i> | Тингловчилар сони 20 ва ундан кўп |
| <i>Ўқув машғулотини шакли</i> | Билимни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича семинар |
| <i>Маъруза режаси</i> | 1. Валюта операцияларининг асосий турлари. 2. Спот операциялари ва спот курслари. 3. Муддатли операциялар ва уларнинг турлари. 4. Форвард битимлари ва уларнинг хусусиятлари. Форвард операцияларида мукофот ва дисконт, уларни ҳисоблаш усуллари. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади</i> | Валюта операциялари турлари бўйича олган билимларни шакллантириш |
| <i>Педагогик вазифалари:</i> | <i>Ўқув фаолияти натижаси:</i> <i>Таълим олувчилар:</i> |
| <ul style="list-style-type: none"> • Валюта операцияларининг асосий турлари моҳиятини очиб бериш • Спот операциялари ва спот курсларини ёритиб бериш • Муддатли операциялар ва уларнинг турлари ҳақида маълумот бериш, • Форвард операциялари ва унинг моҳиятини ўргатиш. | <ul style="list-style-type: none"> • Валюта операцияларининг асосий турларини санайди ва мустақил изоҳлай оладилар; • Спот операциялари ва спот курслари бўйича тасаввурга эга бўладилар; • Муддатли операциялар ва уларнинг турлари ҳақида гапирадилар; • Форвард операциялари ва унинг моҳиятини тушунтира оладилар. |
| <i>Ўқитиш усули</i> | Сухбат, тақдимот, семинар |
| <i>Ўқитиш воситаси</i> | Маъруза матни, тарқатма маълумотлар, А32 қоғоз саҳифалари, маркерлар, скотч |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Фронтал ишлаш, гуруҳ бўлиб ишлаш |
| <i>Ўқитиш шароити</i> | Гуруҳ ишларини ташкиллаштириш учун техник жиҳозланган аудитория |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i> | Назорат, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, рейтинг (балли) баҳоси |

Амалий машғулотнинг технологик картаси

| Ишнинг босқичлари | Фаолият мазмуни | Таълим олувчилар |
|----------------------------------|---|--|
| | Таълим берувчи | |
| 1.Мавзуга кириш босқич (10 мин.) | <p>1.1.Машғулот мавзусини эслатиб, унинг мақсади ва режалаштирилган натижасини эълон қилади, унинг долзарблиги ва моҳиятини тушунтиради.</p> <p>1.2.Эшитувчиларнинг диққатини жалб этувчи суҳбат шаклида мавзу тахминидан келиб чикиб саволлар беради.</p> | <p>Мавзуни ёзадилар</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p> |
| 2.Асосий босқич (55 мин.) | <p>2.1.Ўқув топшириғини эълон қилади, уни бажаришда Пирамида, Кластер ва Концептуал жадвал усулларидан фойдаланишини айтиб бу техникавий усулларнинг моҳиятини эслатади. Тингловчиларни минигурухга ажратади. Ишнинг якуний натижаларини тушунтиради. Гурухнинг ва ҳар бир Тингловчининг иш натижасининг баҳолаш мезонини тушунтиради (1-илова)</p> <p>2.2.Мавзу юзасидан топширикни гурухларга тарқатади (2-илова)</p> <p>2.3.Гурух тошириғининг самарали бажарилиши юзасидан топширик қоидасини эслатади</p> <p>2.4. Гурух ишларини ташкиллаштиради. Назоратни қуйидаги кўринишда олиб боради: -ишлаётган гурухларни назорат қилади, лекин уларни бошқармайди; -бажарилаётган топширикдаги баъзи алоҳида ишларга диққатини қаратади ва топширикни бажариш бўйича қилинган ишларнинг натижасини билиш мақсадида очиқ савол беради: “ Нима учун сиз бундай ўйлайсиз?”, “Нима учун айнан бу усул?” -Тингловчилар ишларини шарҳлаб боради, уларнинг эришадиган баҳоларига таъсир этадиган аниқ маълумотларни бериб боради.</p> <p>2.5. Тақдимот бошланиши ҳақида эълон қилади Ишнинг натижаларини биргаликда муҳокама қилиш ва баҳолаш юзасидан гурух вакилларини тайинлайди.</p> <p>2.6.Гурухларнинг маълумотлар асосидаги иш натижаларини ҳамкорликда текширишни ташкиллаштиради.</p> | <p>2.1.Техникавий усулларни эслайдилар.</p> <p>Минигурухга ажрайдилар ЎУМга қаранглар</p> <p>2.2 Топширик билан танишадилар ЎУМга қаранг</p> <p>2.3Қоидани эслайдилар. Гурухлар ишлашни режалаштирадилар. Ишларни мустақил бажарадилар. Якка бажарилган топширикни муҳокама қиладилар. Ўқув топшириғи юзасидан гурух ишларининг умумий натижаси шаклланади ва унинг тақдимо тига тайёрланади. Гурух вакиллари иш натижаларини эълон қиладилар. Ҳар бир гурух бошқа гурухга назорат савол</p> |

| | | |
|---------------------------|---|---------------------------------------|
| | | лари асосида савол-жавоб ўтказадилар. |
| 3. Якуний босқич (15 мин) | 3.1. Гуруҳ ишлари натижаларини таҳлил қилади. 3.2. Топшириқни бажариш юзасидан якунийни чиқаради. 3.3. Қўйилган мақсаднинг эришилган даражасини аниқлайди, хулоса қилади. 3.4. Таклиф этилган адабиётлар рўйхатидан фойдаланиб, «Корхоналарнинг банк билан кредитли муносабатларини график органайзер техникасидан фойдаланиб ёритиш» ёзма топшириғини мустақил бажариш учун беради. | Топшириқни ёзиб оладилар. |

1-илова (5.2)

Гуруҳ ишларини баҳолаш кўрсаткичларининг жадвали

| Гуруҳ номи ва тартиб рақами | Жавобларни Тузилишига кўра энг юқори балл 0,6 | Жавобларни мазмунига кўра энг юқори балл 0,3 | Тақдимотни сифати бўйича энг юқори балл 0,1 | Жами: 1 балл |
|-----------------------------|---|--|---|--------------|
| | | | | |
| Ўқитувчи | | | | |
| Ўртача | | | | |

*Гуруҳдаги барча аъзолар бир хил ишламайди (4 кишидан), олинган баллар гуруҳ аъзолари ичида қуйидагича тақсимланади. Ҳар бир Тингловчига ўз балини топиши учун 3,7 коэффицентига кўпайтирилиб, гуруҳ аъзоларига бўлиб юборилади. Олинган баҳо ўртача рейтинг бали сифатида “мустақил иш бўлими”га ёзилади. Масалан, гуруҳ максимал 1 балл олди. Гуруҳ аъзоларининг ҳар бирини олган ўртача баҳоси 1 кўпайтирув 3.7 бўлинган 4 баробар 0.9

2–илова

Ўқув топшириғи

1 – гуруҳ

1. Нйю-Йоркдаги дилернинг қуйидаги операцияларига асосланган ҳолда валюта позициясини очиб, юритинг.

| | Сотиб олиш | сотиш | курс |
|-------------|------------|---------|-------------------|
| а) 1000 GBP | USD | GBP/USD | 1,4483 ёки 1,4488 |
| б) 600 USD | GBP | GBP/USD | 1,4481 ёки 1,4485 |
| в) 500 CHF | USD | USD/CHF | 1,7780 ёки 1,7790 |
| г) 500 DEM | CHF | USD/DEM | 2,2798 ёки 2,2801 |

Юқоридаги валюта позициясини АҚШ долларарида қуйидаги курслар асосида ёпинг.

GBP/USD 1,4384 ёки 1,4394

USD/CHF 1,7658 ёки 1,7668

USD/DEM 2,2734 ёки 2,2742

2. Валюта рисқи даражаси энг юқори бўлган операция турини кўрсатинг?

а) спот;

б) форвард;

- в) опционлар билан операциялар;
- г) фьючерслар билан операциялар.

2 – гурух

1. Куйидаги ҳар бир валюта учун фунт стерлингга нисбатан уч ойлик форвард курсини ҳисобланг:

| | Спот курс | Уч ойлик форвард курс |
|---------------|---------------------|--|
| А) АҚШ | 1,5370-1,5385 | 1,48-1,44 Мукофот миқдори (цент) |
| Б) Германия | 3,07 3/4 – 3,09 1/4 | 5 7/8 – 5 3/4 Мукофот миқдори (пфеннинг) |
| В) Португалия | 256,75 – 259,45 | 350-950 Дисконт миқдори (цент) |
| Г) Италия | 2255 – 2260 | 8 – 12 Дисконт миқдори (лира) |

2. Банкларнинг қисқа валюта позицияси деганда нимани тушуниш керак?

- а) Сотилган валюталар бўйича мажбуриятларнинг талаблардан ошиқ бўлиши;
- б) Сотиб олинган валюталар бўйича талабларнинг мажбуриятлардан ошиқ бўлиши;
- в) Талаб ва мажбуриятларнинг тенг бўлиши.

3 – гурух

1. Сизнинг мижозингиз «Лэндлаберс плс» компанияси АҚШда 200000 АҚШ доллари нархида электрон қурилма сотиб олиш шартномасини тузди. Бу товарнинг ярми италиялик харидорга 155 млн лирага сотилди, қолган ярми эса Швециялик харидорга 780000 кронага сотилди.

Харид қилиш шартномаси 1 августда тузилган эди, тўлов эса 1 ноябргача амалга оширилиши керак.

Куйидаги сотув шартномалари тузилган:

А) Италия билан – 1 сентябрда, тўлов 1 декабргача;

Б) Швеция билан – 1 октябрда, тўлов 1 ноябргача амалга оширилиши керак.

«Лэндлаберс плс» компанияси бу шартномаларни тузиш вақтида чет эл валютасида барча тўловларни амалга оширишни кафолатлайди: италиялик ва америкалик ҳамкорлар билан – опцион шартнома асосида, швециялик ҳамкор билан – фиксирланган шартнома асосида.

Фараз қилайлик, барча тўловлар куйида келтирилган алмашув курслари асосида ўз вақтида тўланиши ва қабул қилиниши керак. Мазкур шартнома асосида «Лэндлаберс плс» компаниясининг оладиган фойдаси ёки зарарини ҳисобланг (юқорида кўрсатилган харажатлардан ташқари бошқа харажатларни ҳисобга олмаган ҳолда).

| | <i>АҚШ доллари</i> | <i>Лира</i> | <i>Швеция кронаси</i> |
|------------------------|--|--|------------------------------|
| 1 август | | | |
| Спот курс | 1,5195 – 1,5215 | 2114 – 2120 | 11,28 – 11,31 |
| Бир ойлик форвард курс | 0,30 – 0,28 Мукофот миқдори (центда) | 13 – 17 Дисконт миқдори (лирада) | 1/4 эйре – мукофот паритети* |
| Уч ойлик | 1,75 – 1,55 | 51 – 57 | 1 1/4 - 1/2 |

| форвард курс | Мукофот миқдори (центда) | Дисконт миқдори (лирада) | Мукофот миқдори (эйреда) |
|---------------------------|--|--|--|
| 1 сентябрь | | | |
| Спот курс | 1,5175 – 1,5190 | 2125 – 2135 | 11,27 1/2 - 11,30 1/2 |
| Бир ойлик форвард курс | 0,32 – 0,29 Мукофот миқдори (центда) | 14 -19 Дисконт миқдори (лирада) | 1/2 - 1/4 Мукофот миқдори (эйреда) |
| Уч ойлик форвард курс | 1,95 – 1,80 Мукофот миқдори (центда) | 53-60 Дисконт миқдори (лирада) | 1 1/2 - 3/4 Мукофот миқдори (эйреда) |
| 1 октябрь | | | |
| Спот курс | 1,5140 – 1,5160 | 2132 – 2138 | 11,27 – 11,29 1/2 |
| Бир ойлик форвард курс | 0,31 – 0,28 Мукофот миқдори (центда) | 12 – 16 Дисконт миқдори (лирада) | 1/2 - 1/4 Мукофот миқдори (эйреда) |
| Уч ойлик форвард курс | 1,80 – 1,65 Мукофот миқдори (центда) | 45 – 51 Дисконт миқдори (лирада) | 1 – 1/2 Мукофот миқдори (эйреда) |

2. Агар битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан кичик бўлса:

- а) форвард курси спот курсидан юқори бўлади;
- б) форвард курси спот курси билан тенг бўлади;
- в) форвард курси спот курсидан кичик бўлади.

5-мавзу

**ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР. ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА
ҚАРЗДОРЛИК МУАММОСИ**

(Амалий машғулот - 2 соат)

Амалий машғулотини ўқитиш технологияси

| <i>Вақти - 2 соат</i> | <i>Тингловчилар сони 10-15 та.</i> |
|---|--|
| <i>Ўқув машғулоти шакли:</i> | Билимни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича семинар |
| <i>Семинар режаси</i> | 1. «Халқаро кредит» тушунчасининг мазмуни. 2. Халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш шартлари. 3. Халқаро кредитнинг шакллари. Халқаро ҳисоб бирликларидаги халқаро кредитлар. 4. Гаровли ва ишончли кредитлар. Халқаро банк кредити. 5. Тижорат кредити. Ташқи ва ички кредитлар. Товарли ва валютавий кредитлар. |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> | Халқаро кредит моҳияти ва шаклларини очиб бериш ҳамда кредит муносабатлари иштирокчиларини таҳлил қилиш |
| <i>Педагогик вазифалари:</i> <ul style="list-style-type: none">• «Халқаро кредит» тушунчасининг мазмунини тушунтириш;• Халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш шартлари тўғрисида маълумот бериш;• Халқаро кредитнинг шакллари билан таништириш.• Гаровли ва ишончли кредитлар, халқаро банк кредити моҳиятини ёритиб бериш. | <i>Ўқув машғулотининг натижалари:</i> <i>Таълим олувчилар:</i> <ul style="list-style-type: none">• «Халқаро кредит» тушунчасининг мазмунига тавсиф берадилар;• Халқаро кредит муносабатларини ташкил қилиш шартлари тўғрисида тўлиқ тушунча бера оладилар;• Халқаро кредитнинг шакллари гапирадилар;• Гаровли ва ишончли кредитлар, халқаро банк кредити моҳиятини ёритиб бера оладилар. |
| <i>Ўқитиш усули</i> | Семинар, суҳбат шакли, биргаликда муҳокама, тақдимот |
| <i>Ўқитиш воситаси</i> | Маъруза матни, ўқув материаллари, А32 қоғоз саҳифалари, маркерлар, скотч. |
| <i>Ўқитиш шакли</i> | Фронтал, гуруҳ бўлиб ишлаш. |
| <i>Ўқитиш шароити</i> | Техник жиҳозланган аудитория |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш:</i> | Назорат, оғзаки назорат, савол-жавоб шакли, рейтинг (балли) баҳоси. |

Амалий машғулотнинг технологик картаси

| Ишнинг босқичлари | Фаолият мазмуни | Таълим олувчилар |
|--|---|---|
| | Таълим берувчи | |
| 1.Мавзуга кириш босқичи (10 мин.) | 1.1.Машғулот мавзусини эслатиб, унинг мақсади ва режалаштирилган натижасини эълон қилади, унинг долзарблиги ва моҳиятини тушунтиради. 1.2. Эшитувчиларнинг диққатини жалб этувчи суҳбат шаклида мавзу тахминидан келиб чиқиб саволлар беради. | Мавзуни ёзадилар Саволларга жавоб берадилар. |
| 2.Асосий босқич (55 мин.) | 2.1. Топшириқни эълон қилади, эшитувчилар билан биргаликда муҳокама қилади. Ишнинг якуний натижаларини тушунтиради. Тингловчиларни минигуруҳга ажратади Гуруҳнинг ва ҳар бир Тингловчининг иш натижасини баҳолаш мезонини тушунтиради (1-илова) 2.2.Мавзу юзасидан топшириқни гуруҳларга тарқатади (2- илова) 2.3. Гуруҳ ишларини ташкиллаштиради. Назоратни қуйидаги кўринишда олиб боради: - ишлаётган гуруҳларни назорат қилади, лекин уларни бошқармайди; - бажарилаётган топшириқдаги баъзи алоҳида ишларга диққатини қаратади ва топшириқни бажариш бўйича қилинган ишларнинг натижасини билиш мақсадида очик савол беради: “ Нима учун сиз бундай ўйлайсиз?”, “Нима учун айнан бу усул?” - Тингловчилар ишларини шархлаб боради, уларнинг эришадиган баҳоларига таъсир этадиган аниқ маълумотларни бериб боради. қилади. Бажариш учун таклиф этилаётган топшириқлар ҳар бир гуруҳга алоҳида 2.4. Такдимот бошланиши ҳақида эълон тушунтирилади. Ишнинг натижаларини биргаликда муҳокама қилиш ва баҳолаш юзасидан гуруҳ вакилларини тайинлайди. 2.5. Гуруҳларнинг маълумотлар асосидаги иш натижаларини ҳамкорликда текширишни ташкиллаштиради. | Топшириқни муҳокама қиладилар Минигуруҳларга ажраладилар ЎУМга қаранглар Топшириқ билан танишадилар. Гуруҳлар ишлашни режалаштирадил ар. Ишларни мустақил бажарадилар. Якка бажарилган топшириқни муҳокама қиладилар. Ўқув топшириғи юзасидан гуруҳ ишларининг умумий натижаси шаклланади ва унинг такдимотига тайёрланадилар. Гуруҳ вакиллари иш натижаларини эълон қиладилар. Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳга назорат саволлари асосида савол-жавоб утказди. |

| | | |
|---------------------------|--|---------------------------|
| 3. Якуний босқич (15 мин) | 3.1. Гуруҳ ишлари натижаларини таҳлил қилади. 3.2. Топшириқни бажариш юзасидан якунийни чиқаради. 3.3. Қўйилган мақсаднинг эришилган даражасини аниқлайди, хулоса қилади. 3.4. Таклиф этилган адабиётлар рўйхатидан фойдаланиб, «Банкларнинг валюталарни рискдан ҳимоялаш усулари»ни ёзма топшириғини мустақил бажариш учун беради. | Топшириқни ёзиб оладилар. |
|---------------------------|--|---------------------------|

1-илова

Гуруҳ ишларини баҳолаш кўрсаткичларининг жадвали

| Гуруҳ номи ва тартиб рақами | Жавобларни тузилишига кўра энг юқори балл 0,6 | Жавобларни мазмунига кўра энг юқори балл 0,3 | Такдимотни сифати бўйича энг юқори балл 0,1 | Жами: 1 балл |
|-----------------------------|---|--|---|--------------|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| Ўқитувчи | | | | |
| Ўртача | | | | |

*Гуруҳдаги барча аъзолар бир хил ишламайди (4 кишидан), олинган баллар гуруҳ аъзолари ичида қуйидагича тақсимланади. Ҳар бир Тингловчига ўз балини топиши учун 3,7 коэффициентига кўпайтирилиб, гуруҳ аъзоларига бўлиб юборилади. Олинган баҳо ўртача рейтинг бали сифатида “мустақил иш бўлими”га ёзилади. Масалан, гуруҳ максимал 1 балл олди. Гуруҳ аъзоларининг ҳар бирини олган ўртача баҳоси $1 * 3.7 / 4 = 0.9$

2-илова

1-савол. Жаҳон капитал бозорида асосий кредитор ва қарз олувчилар (% ҳисобида)

| Кредиторлар | | қарз олувчилар | |
|--------------------|-----|----------------|-----|
| Япония | 53 | АҚШ | 27 |
| Швейцария | 8 | Буюк Британия | 9 |
| Тайван | 6 | Канада | 8 |
| Нидерландия | 6 | Мексика | 6 |
| Германия | 5 | С.Арабистони | 6 |
| Гонгконг | 5 | Испания | 5 |
| Белгия | 4 | Италия | 5 |
| Хитой | 2 | Австрия | 5 |
| Бошқалар | 11 | Бошқалар | 29 |
| Жами | 100 | Жами | 100 |

2-савол. Экспортни кредитлаш шакллари

| | Банк кредитлаштиришининг оддий ва традицион шакллари | Банк кредитлаштиришининг нотрадицион шакллари |
|-------------------------------------|---|--|
| 1. қисқа муддатли (айланма капитал) | 1.1. Таъминланмаган стерлингли овердрафт 1.2. Таъминланмаган овердрафт чет эл валютасида 1.3. Инкассо ости аванси 1.4. Векселни ёки банк ёки банк чекини қисобга олиш ёки сотиб олиш 1.5. Документар аккредитив бўйича хизматлар 1.6. Акцептли кредитли линиялар | 1.1. Экспортли факторинг 1.2. Экспорт сотувчилари экспорт сотувчилари 1.3. Конфирмацион уйлар орқали молиялаштириш |
| 2. Ўрта муддатли | 2.1. ЕСGD томонидан кафолатланган кредитни мол етказиб берувчига кредитлаш 2.2. Фунт стерлинглардаги ссуда 2.3. Валютадаги ссуда | 2.1. Форфейтинг 2.2. Насияга лизинг ёки сотиб олиш 2.3. Халқаро кредит союзлари 2.4. Юзма-юз савдо |
| 3. Узоқ муддатли | 3.1. Евро облигацияларни чиқариш 3.2. ЕСGD департаменти томонидан кафолатланган кредитни сотиб олувчига кредитлаш | 3.1. Акцияларни чиқариш |

МАЪРУЗА МАТНИ

1-МАВЗУ. ВАЛЮТА КУРСИ: МАЗМУНИ, АНИҚЛАШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

РЕЖА

1. Валюта курси тушунчаси. Олтин-девиз стандарти шароитида валюта курси.
2. Валюта курсининг турлари.
3. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.

1. Валюта курси тушунчаси. Олтин-девиз стандарти шароитида валюта курси.

Валюта курси – бу, бир валютанинг бошқа бир валютадаги ифодаси ёки бахосидир. Валюта курси – хорижий валютанинг миллий валютадаги ифодаси. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 1 АҚШ доллари қ 860 сўм ёки Россияда 1 АҚШ доллари қ 31,34 рубль.

Валюта курси пулнинг халқаро харакати жараёнига тааллуқли ва умумий асосда миллий иқтисоднинг жахон хўжалиги билан алоқаларини ифодалайди.

Олтин девиз стандарти шароитида валюта курси аниқланганда, қоғоз пуллар заминида ётган олтин миқдорлари солиштирилган. Масалан, Буюк Британия 1 фунт стерлинги заминида, 1821 йилда 7,322385 грамм олтин ётган, 1 немис маркази заминида эса, 1873 йилда 0,385422 грамм олтин ётган. Бунга кўра, 1 фунт стерлинг 20,43 немис маркасига тенг эди ($7,322385/0,385422$). Ёки, 1 АҚШ доллари заминида 1971 йилда 0,888671 грамм олтин ётган.

Олтин-девиз стандарти шароитида 1929-36 йилларгача давлатларни миллий қоғоз пуллари, баҳо масштабига асосан олтинга алмашинар эди. 1936 йилдан сўнг давлатлар миллий қоғоз пул бирликлари олтинга алмашмайдиган бўлди, яъни муомалада олтинга алмашмайдиган кредит қоғоз пуллар юрадиган бўлди. Бундай шароитда, яъни Бреттон-Вудс валюта тизими шароитида ҳам, валюта курслари улар заминида ётган олтин миқдорларини солиштириш орқали аниқланар эди.

1976-78 йилларда Ямайка валюта тизими шароитида расмий олтин демонетизацияси эълон қилинди ва олтин юридик жиҳатдан ўзининг пул сифатидаги харакатини тўхтатди. Жахон бозорида валюта курслари уларга бўлган талаб ва таклиф асосида, валюталарнинг тарихий масштаби атрофида, тебрана бошлади. Бундай мувозанатсиз шароитда валюталарнинг курси қисқа вақт ичида тез ўзгарадиган бўлиб қолди.

Кросс-курс – бу, икки валюта орасидаги курсни учинчи валюта орқали аниқлаш услуги натижасида топилган курсдир.

Масалан, GBP/USD 1,5550
USD/SEK 1,7550, бу ердан
GBP/SEK 2,7290 ($1,7550 \times 1,5550$)

Ёки, USD/SEK 1,7550
USD/GPY 100, бу ердан
SEK/GPY 56,98 ($100 / 1,7550$)

Бундан ташқари, жахон валюта бозорида, “spot” операцияларида 2 курс берилади, яъни сотувчи ва сотиб олувчи курслари. Бундай икки курс берилганда, кросс-курс аниқланганда сотувчи курси сотиб олувчи курсига ва сотиб олувчи курси сотувчи курсига бўлинади ёки кўпайтирилади (котировка услубларига қараб).

Масалан, GBP/USD 1,5550 ёки 1,5555
USD/SEK 1,7550 ёки 1,7555, бундан
GBP/SEK 2,7290 ($1,5550 \times 1,7550$)
GBP/SEK 2,7307 ($1,5555 \times 1,7555$)

Ёки, USD/ SEK 1,7550 ёки 1,7555
USD/GPY 100 ёки 105, бундан
SEK/GPY 56,96 ($100 / 1,7555$)

SEK/GPY 59,83 (105 / 1,7550).

2. Валюта курсининг турлари.

Валюта курсларининг куйидаги турлари мавжуд:

“спот” курс, форвард курс, кросс-курс, “аутрайт” курси, сотувчи ва сотиб олувчи курси.

“Спот” курс – бу, нақдли (касса) шартнома курсидир. У, “спот” шартномалари ижроси пайтида қайд этиладиган бир мамлакат валютасининг баҳосини бошқа мамлакат валютасидаги ифодасидан иборат.

“Спот” курслар эркин сузадиган ёки қатъий белгиланган бўлиши мумкин. Улар миллий валютанинг мамлакат ташқарисида, шартномани амалга ошириш пайтида сотиб олиш қобилиятини кўрсатади.

Форвард курси – бу, муддатли валюта шартномалари курсидир. У, келгусида маълум бир санага валютани етказиб бериш шарти билан сотиш ёки сотиб олиш баҳосидан иборатдир. Бунда, муддатли валюта операциясида курс шартнома тузилиш пайтида қайд этилади, унинг ижроси маълум бир муддат ўтгандан сўнг амалга ошса ҳам.

“Аутрайт” курси – бу, мукофот ва дисконт услуги орқали аниқланадиган муддатли шартнома курсидир.

Кросс-курс – бу, икки валюта орасидаги курсни учинчи валюта орқали аниқлаш услуги ёрдамида топилган курсидир.

Котировка услублари, сотувчи ва сотиб олувчи курслари.

Валюта курслари котировка услубларига қараб белгиланади. Котировка тўғри ва тескари бўлиши мумкин.

Хар қандай валюта операцияларида сотувчи ва сотиб олувчи курслари аниқланади. Котировка услубига қараб улар хар хил бўлиши мумкин.

Масалан, тўғри котировкада банклар хорижий валютани паст курсда сотиб оладилар ва юқори курсда сотадилар. Тескари котировкада эса, аксинча, банклар хорижий валютани юқори курсда сотиб оладилар ва паст курсда сотадилар.

Тескари котировкада, аксинча, банклар қиммат (юқори) курсда сотиб олади ва арзон (паст) курсда сотади.

Масалан, Буюк Британия бозорида 1GBP: 1,5300 ёки 1,5305 USD бўлганда, банклар 1,5305 USDдан сотиб олади ва 1,5300 USDдан сотади.

Ёки, Америка қўшма Штатлари бозорида 1USD: 1,1760 ёки 1,1765 CHF бўлганда, банклар 1,1765 CHFдан сотиб олади ва 1,1760 CHFдан сотади.

3. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар. Валюта демпинги тушунчаси.

Валюта курсига таъсир этувчи омиллар жуда кўп, уларнинг ичида энг муҳимларини кўриб чиқамиз.

1. Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари (ялпи миллий маҳсулот бўйича).

1. Пул бирликларининг сотиб олиш қобилияти ва инфляция суръати.

Валюталарнинг сотиб олиш қобилияти бўйича бир бирига нисбатан ўлчаниши (сотиб олиш қобилиятини паритети) қиймат қонунини акс эттирган ҳолда валюта курсининг асоси бўлиб хизмат қилади.

2. Мамлакат тўлов балансининг ахволи бевосита валютага бўлган талаб ва таклифга, валюта курсининг даражасига таъсир этади ва унинг у ёки бу тарафга оғиб кетишига олиб келади.

3. Турли мамлакатлардаги фоиз ставкаларнинг бир-биридан фарқи. Фоиз ставкасининг кўтарилиши хорижий капиталларнинг мамлакатга оқиб келишини рағбатлантиради. Фоиз ставкаларининг пасайиши эса, аксинча, капиталнинг, шу жумладан миллий капиталнинг ҳам мамлакатдан четга оқиб кетишига олиб келади.

4. Валюта бозорларининг фаолияти ва чайқов валюта операцияларининг валюта курсига конъюнктуравий таъсири. Агарда бирор бир валютанинг курси пасайиб борса, бозор иштирокчилари уни нисбатан мувозанатлироқ валютага алмаштирадилар ва бу билан улар унинг қадрсизланишини тезлаштириб юборадилар.

5. Давлат томонидан мувофиқлаштириш ва мамлакат Марказий банкининг валюта сиёсати.

6. Мамлакатнинг тўлов қобилияти ва жахон бозорида мамлакат миллий валютасига ишонч даражаси. Агарда мамлакатнинг иқтисодий ҳолати жахонда юқори баҳоланаётган бўлса, унда унинг валютаси кучли ҳисобланади ва иқтисодий жихатдан кучсизроқ ҳисобланган давлат валютасига нисбатан юқорироқ баҳода сотилиши мумкин.

7. Кутилаётган инфляция даражаси, унинг суръатлари, ички бозорда пул массасининг ўсиши.

8. Валюта курсига ундан халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиш даражаси ҳам таъсир этади. Масалан, 1980 йилларнинг ўрталарида АҚШ доллари зиммасига халқаро ҳисоб-китобларнинг 60%и тўғри келар эди.

9. Валюталарнинг курс нисбатларига яна халқаро тўловларнинг тезлашиши ёки секинлашиши ҳам таъсир этади.

2-МАВЗУ. ВАЛЮТА СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ РЕЖА

1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида валюта сиёсати ва унинг асосий турлари. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.

2. Дисконт, девиз сиёсати ва уларнинг асосий кўринишлари. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.

3. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.

4. Валюта бозорлари фаолиятига давлат аралашувининг зарурлиги ва аҳамияти. Валюта сиёсатининг асосий йўналишлари.

1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида валюта сиёсати ва унинг асосий турлари. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.

Валюта сиёсати - бу халқаро валюта муносабатлари соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндиси¹.

Валюта сиёсати ҳукумат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмидир. Валюта сиёсати ҳар доим ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатининг стратегик мақсадларига мос бўлиши керак. Давр нуқтаи назаридан валюта сиёсати икки турини ажратиш мумкин: а) жорий; б) перспектив.

Валюта сиёсатининг асосан икки шакли бор:

- дисконт сиёсати;

- девиз сиёсати;

Дисконт сиёсати бу Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сиёсатидир.

1. Ҳисоб ставкаси Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.

Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси - 0.5%

2. Тижорат банклари ўзларининг портфелидан қимматли қоғозларни гаровга қўйиш орқали Марказий банкдан олган кредити ломбард кредит ҳисобланади. Ломбард

¹ Тожиев Р., Жумаев Н. Марказий банкнинг монетар сиёсати. Т.ТДИУ-2002. 67-бет.

кредитнинг фоиз ставкаси ломбард ставкаси хисобланади. Ломбард ставкаси хар доим хисоб ставкасидан икки-уч пункт юкори юради.

2. Дисконт, девиз сиёсати ва уларнинг асосий кўринишлари. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.

Дисконт (хисоб юритиш) сиёсати – бир томондан, капиталларнинг халқаро харакатига валюта курси ва тўлов балансини, иккинчи томондан ички кредитлар, пул массаси, бахолар, ялпи талаб динамикасининг таъсир этиши орқали мувофиқлаштиришга йўналтирилган Марказий банк хисоб юритиш ставкасининг ўзгаришидир.

Девиз сиёсати деганда, давлат органларининг чет эл валюталарини сотиш ёки сотиб олиш орқали миллий валюта курсига таъсир этиш сиёсатига айтилади. Девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли бу валюта интервенцияси хисобланади.

Валюта интервенцияси Марказий банк томонидан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларидир.

Девиз сиёсатининг валюта интервенциясидан фаркли яна бир қанча турлари мавжуд. Шуларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- валютавий чеклашлар;
- девальвация;
- ревальвация;
- чет эл валютасидаги резервларни диверсификация қилиш.

Девальвация - бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосда пасайтирилишидир.

Ревальвация - миллий валюта курсини чет эл валюта курсига нисбатан ошириш. Ревальвация асосан импортни рағбатлантириш ва миллий бозорни ўша мамлакат товарлари билан тўлдириш мақсадида қўлланилади.

Чет эл валюталарини диверсификация қилиш деганда бир вақтнинг ўзида бир нечта чет эл валютасида резервлар ташкил қилиш тушунилади.

5. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.

Икки қатламли валюта бозори қатъий белгиланган ва эркин сузувчи курслар режимлари орасидан жой олган валюта сиёсатининг шаклидир. У 1970-йиллар бошида Бельгия, Италия, Францияда давлатларида киритилган. Унинг мохияти валюта бозорининг икки қисмга бўлинишидадир, яъни тижорат операциялари ва хизматлар бўйича расмий курс ишлатилади, молиявий (капиталлар, кредитлар ва бошқа шу кабилар харакати) операциялар бўйича эса бозор курсидан фойдаланилади. Тижорат шартномалари бўйича нисбатан пасайтирилган курс товарлар экспортини рағбатлантириш ва тўлов баланси мутаносиблигини таъминлаш мақсадида ишлатилади. Тижорат ва молия курслари фарқлари сезиларли бўлган пайтларда Марказий банк уларни бирхиллаштириш мақсадида валюта интервенциясини амалга оширган. Икки қатламли валюта бозори валюта захираларини бирмунча тежаш имконини берган, чунки валюта интервенциясига бўлган талаб пасайган. Эркин сузувчи курслар режимига ўтиш муносабати билан икки қатламли валюта бозори Италияда 1973 йилда ва Францияда 1974 йилда, кейинчалик эса Бельгияда бекор қилинди. Бирок, айрим ривожланиб бораётган мамлакатларда у хали хам сақланиб қолган.

4. Валюта бозорлари фаолиятига давлат аралашувининг зарурлиги ва ахамияти. Валюта сиёсатининг асосий йўналишлари.

Марказий банк ўз балансидаги барча олтин валюта захираларининг самарали бориши юзасидан жавобгардир. У Марказий банк фаолиятига зид бўлмаган барча турдаги операциялар воситасида ўз захираларини бошқаради. Марказий банк бошқа мамлакат

Марказий банкларидан ўзининг корреспондент счётларига эга бўлиб, барча операциялар шу счётлар орқали ўтади. Лекин Марказий банк тижорат структуралари билан бевосита кредит ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас. Бу эса унинг резерв бошқариш имкониятларини чеклайди. Марказий банк кўпинча своп операцияларидан фойдаланади.

3. Хукуматнинг ташқи қарзини тўлаш билан боғлиқ операциялар. Ривожланган хорижий мамлакатларда АҚШ, Германия, Австралияда хукуматнинг чет эл валютада резервлари мавжуд эмас.

Валютанинг бозор ва давлат томонидан мувофиқлаштирилиши бир-бирини тўлдиради. Рақобатчиликка асосланган бозор ривожланишда рағбатлантирувчи омилларни келтириб чиқаради, давлат эса валюта муносабатларини бозор томонидан мувофиқлаштирилишининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Бу икки мувофиқлаштирувчилар орасидаги чегара аниқ бир ҳолатдаги манфаат ва йўқотишлар билан белгиланади. Шу сабабли улар орасидаги нисбат тез ўзгарувчандир. Инқирозли ларзалар, урушлар, урушдан сўнгги вайронагарчиликлар шароитида валюта муносабатларининг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши устунлик қилади. Валюта-иқтисодий шароитни яхшиланиши билан валюта операциялари борасида эркинлаштириш юз беради, ушбу жараёндаги бозор рақобатчилиги рағбатлантирилади. Аммо, давлат валюта муносабатлари устидан кузатув ва чекловларни амалга ошириш мақсадида доим валюта назоратини ўз қўлида сақлаб келади.

3-МАВЗУ. ВАЛЮТА БОЗОРИ.

РЕЖА

1. Валюта бозори ва унинг иштирокчилари.
2. Валюта бозорининг функциялари.
3. Тижорат банклари ва бошқа молиявий воситачилар жаҳон валюта бозорининг иштирокчилари сифатида.
4. Олтин бозорлари.

1. Валюта бозори ва унинг иштирокчилари.

Валюта бозори – бу, механизм бўлиб, унинг ёрдамида хорижий валюталарнинг олди-соттиси билан боғлиқ операциялар амалга ошади. Хорижий валюталарнинг олди-соттисига бўлган зарурат халқаро операцияларни амалга оширган пайтда пайдо бўлади: ташқи савдода, хорижий валютада кредит берилганда, хорижий валютадаги захираларини валюта курси тебранишидан суғурта қилганда.

Бир валютани бошқа бир валютага ўтказиш зарурати шундаки, одатда халқаро савдо шартномаларини ва капитал билан операцияларни амалга оширувчи шахслар ўз миллий валюталарига эга мустақил давлатларда яшайдилар. Табиийки, халқаро шартномаларда иштирок этувчи ҳар бир тараф ҳисоб-китобларни ўз миллий валютасида амалга оширишдан манфаатдор. Бироқ, халқаро савдо шартномалари ва капитал билан операциялар эркин муомалада юрадиган валютада амалга оширилмоғи лозим.

Хорижий валюталар бозорининг асосий вазифаси юқоридаги мисолда келтирилган валюталарнинг ўзаро алмашувини амалга оширишдир. Валюта бозорида валюталарни алмашув курси, шу валюталарга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади.

Миллий иқтисодларнинг байналминаллашуви, халқаро иқтисодий муносабатлар ахамиятининг ўсиб бориши, эркин сузадиган валюта курсларининг жорий этилиши валюта-молиявий соҳанинг кўлами ва ролини, хусусан валюта бозори ролининг ошишига олиб келди.

2. Валюта бозорининг функциялари.

Валюта бозори қуйидаги функцияларни бажаради:

-товарлар, хизматлар ва капиталлар халқаро муомаласига хизмат кўрсатиш;

-иктисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланадиган талаб ва таклифни баланслаш орқали валюта курсларини аниқлаш;
-валюта рискларидан химояланиш учун механизмни тақдим этиш;
-давлат томонидан пул-кредит ва иқтисодий сиёсатни амалга оширишда бозордан фойдаланиш.

Бреттон-Вудс валюта тизими шароитида, 50-60 йилларда замонавий валюта бозорининг асоси солинган эди. Бу даврда операциялар хажми ошди, бозор техникаси такомиллашди, валюта чекловларининг аста-секин бўшаштирилиши давом этди, валюталар конвертабеллиги киритилди, капиталларни халқаро миграцияси ўсди.

Жахон валюта бозорининг хусусиятларига кўра, у аниқ бир манзилга эга эмас ёки маълум бир жойда жисмонан мавжуд эмас. Жахон валюта бозори телефон хамда замонавий телекоммуникацион тизим орқали савдоси амалга ошадиган хусусиятли бозордир. Бу бозорининг хусусиятлилиги, нафақат унинг жисмонан мавжуд эмаслигида, балки унинг суткада 24 соат фаолият кўрсатиши, очилмаслиги ва ёпилмаслиги, муомала хажми жихатидан нихоятда йириклигидадир, яъни 1 суткада жахон валюта бозорида 1 трлн. АҚШ доллари сотилади ва сотиб олинади.

3. Тижорат банклари ва бошқа молиявий воситачилар жахон валюта бозорининг иштирокчилари сифатида.

Жахон валюта бозорлари ривожланишининг муҳим омилларидан бири, бу суткалар давомида фаолият кўрсатадиган глобал бозорининг Сингапурда очилиши ва валюта бозори иштирокчилари иш тажрибасининг ортишидир.

Валюталар конверсияси билан барча молия-кредит ва савдо-саноат ташкилотлари шуғулланадилар. Яъни:

- 1.Тижорат банклари – валюта бозорининг етакчи иштирокчилари.
- 2.Ихтисослашган банклар.
- 3.Консорциал ташкилотлар.
- 4.Ташқи иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи давлат органлари.
- 5.Ривожланган давлатлар марказий банклари – валюта бозорининг энг муҳим иштирокчилари; давлат номидан шунингдек ташқи иқтисодий банклар ва бошқа давлат институтлари иштирок этади.

Валюта бозоридаги операцияларда давлатлараро институтлар актив иштирок этади. Уларга, масалан Халқаро хисоб-китоблар Банки киради (БМР-Банк Международнўх Расчётов).

Валюта бозорининг муҳим элементи бўлиб, валюта брокерларининг институти хисобланади. Жахон валюта бозорида таниқли ва ахамиятли брокер фирмаларга ярим ёпиқ ассоциацияга бирлашган Лондон брокерларининг фирмаси киради. Масалан, Лондонда 1 млн. АҚШ долларини фунт стерлинларга конверсия қилиш учун брокерлар 45 фунт стерлинга яқин комиссия ҳақини оладилар. Бугунги кунда Лондон брокерлари орқали, бир кунда 30 млрд. АҚШ долларидан кам бўлмаган сумма ўтади. Уларнинг оладиган бир йиллик комиссия ҳақлари эса 170 млн. АҚШ долларига тенг.

4.Олтин бозорлари

Пул муомаласи тарихида ва умуман қийматларнинг ривожланиш тарихида олтиннинг ахамияти катта. Кишилиқ жамиятида олтиннинг муомалада пул сифатида юрган даври тахминан 6000 йилни ташкил этади. Шундан, дастлабки 3300 йили даврида олтин муомалада танга шаклида юрмаган, сўнгги 2700 йил давомида эса олтин танга шаклида муомалада юрган.

Биринчи 3300 йил, қадимги дунёда (асримизгача 4100-3900 йиллар), Мисрда олтиннинг очилиш даврини ўз ичига олади. Биринчи олтин тангалар эрамиздан аввалги VII асрда Кичик Осиёдаги Юнон (Грек) колонияларида кашф этилган.

Олтин дастлаб, саройларда жамғариладиган хазина, Шарқ хукмдорлари томонидан Фиръавнлардан сотиб олинадиган қимматбаҳо металл эди. Миср мамлакати, олтин тарихий даврининг ярмидан кўпи мобайнида, ер юзида ягона олтин етказиб берувчи эди.

Кейинги 2700 йил олтиннинг тангалар сифатида муомалада юриш давридир

Хозирда жахонда мавжуд олтин (танга, қуйма ва турли тақинчоқлар шаклида банкларда, хусусий шахсларда) минг йиллар мобайнида жамғарилган. 1493 йилдан 1992 йилгача жами 110000 тонна ишлаб чиқарилган олтин ҳисобга олинган. қадимги даврларда ва ўрта асрларда ишлаб чиқарилган олтин ҳисобланади.

Олтин бозоридаги таклиф манбалари бўлиб, янги қазиб олинган олтин, давлат ва хусусий захиралар, инвесторлар ва тезовраторларнинг сотувлари ҳисобланади. Талаб эса фирмалар, тижорат банклари, хусусий шахсларнинг олтинга бўлган талабидан шаклланади. Олтин тақдимотининг сиёсатиға мувофиқ Халқаро Валюта Фонди 1978 йилдан бошлаб, давлатлар Марказий банкларига, олтин бозорларида шаклланадиган баҳолар асосида олди-соттиларни ўтказишға руҳсат берди.

4-МАВЗУ. ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ РЕЖА

1. Спот операциялари.
2. Форвард операциялари.
3. Фьючерс операциялари.
4. Опцион шартномалари.
5. Своп шартномалари.
6. Валюта арбитражи.

1.Спот операциялари.

Жахон валюта бозорида амалға ошадиган операцияларнинг барчасини 100% деб олсак, уларнинг 70% дан зиёди спот (spot) номли операцияларға тўғри келади.

Спот операциялари - бу бир зумда амалға ошадиган валюта операцияси бўлиб, сотувчи сотган валютасини сотиб олувчига 2 банк иш куни давомида, шартнома тузилган кун курси бўйича, етказиши лозим. Замонавий шароитда, мазкур валюта операцияларининг амалға ошиши ва валютани етказиши 2 банк иш кунини талаб этмайди.

Касса шартномаси спот шартлари асосида амалға оширилади ва асосан халқаро ҳисоб-китоблар бўйича, курслар ўзгариши оқибатида эҳтимолли валюта йўқотишларининг олдини олиш, шунингдек капиталларнинг (қайноқ пулларни ўз ичига олган холда) бир жойдан бошқа жойға тез оқиб ўтиши мақсадида, хорижий валютани зудлик билан олиш учун қўлланилади.

Валюта курсларининг эркин тебраниш режимига ўтилиши билан валюталар билан чайқов касса савдоси кучайди. Ушбу операциялар валюта бозорларида кенг тарқалган бўлиб, хозирги кунда банклараро бозор умумий муомаласининг кўп қисмини ташкил этади.

Касса операцияси учун хусусиятли нарса шундаки, шартнома тузилишининг пайти унинг ижро этилиш пайти билан тўғри келмайди. Валюта, шартнома тузилганидан сўнг, ўша захоти, 2 банк иш кунидан кечикмаган холда, сотиб олувчига етказилади. Валютани етказиб бериш муддати “валюталаш санаси” деб номланади. Сотувчи, сотилган валютани одатда, сотиб олувчи банк кўрсатган ҳисоб рақамға телеграф орқали ўтказилади.

Спот валюта шартномасида одатда бозорда, валюта бозори иштирокчилари томонидан валюта курсининг асосий кўрсаткичи сифатида кўриладиган, телеграф орқали пул ўтказиш курси қўлланилади. Нақдли шартномаларнинг курслари котировка жадвалларида чоп этилади.

2. Форвард операциялари.

Муддатли валюта операциялари деб, валюталарни келгусида етказиб бериш ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш шарти билан, шартнома тузиш куни курси асосида сотиб олиш ёки сотиш тушунилади. Улар одатда, валюта курси ўзгаришидан суғурта қилишда ёки чайқов фойдасини олишда ишлатилади.

Банклараро муддатли валюта операциялари “форвард” операциялари деб аталади. Форвард операциялари – биржадан ташқари муддатли валюта операциялари бўлиб, келишув асосида, телефон ёки телекс орқали банклар ва савдо-саноат компаниялари томонидан амалга оширилади. 1984 йилдан бошлаб кредит (молия) инструментлари билан операциялар – яъни “келгусида етказиб бериш тўғрисида келишув” (forward rate agreements), ўтказиш амалиёти қўлланилади. Улар, бир йилгача депозитлар бўйича фоизлар ўзгариши оқибатидаги кўрилган зарарларни ўзаро қоплаш бўйича банклараро муддатли келишувлардан иборат бўлиб, одатда 1 млн.-50 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги суммаларга тузилади.

Форвард шартномаси тузилаётганда унинг муддати, курси ва суммаси қатъий белгиланади (фиксируется). Аммо, ижро муддати (1 – 6 ой) етиб келгунча ҳисоб рақамлари бўйича ҳеч қандай суммалар ўтказилмайди. Одатда, кўпчилик банклар, ҳамкор миждозларнинг, ўзларида очилган ҳисоб рақамларда, маълум бир суммага эга бўлишини хоҳлайдилар. Бироқ, форвард шартномалари ҳажм жихатидан чегараланмай, пул таъминотини талаб этмайдилар.

Муддатли операцияларга форвард, фьючерс ва опцион шартномалари киради. Форвард шартномалари қуйидаги икки асосий кўринишда амалга оширилади:

-оддий форвард шартномаси. Бу ҳолда, бунга тесқари бўлган шартнома (обратная сделка) бир вақтнинг ўзида тузилмайди. -своп шартномаси. Своп шартномаси – бу, банклар ўртасидаги валюта шартномаси бўлиб, бир турдаги ва бир хил ҳажмдаги валютанинг турли муддатларга олди-сотди операциялари комбинациясидан иборатдир.

3. Фьючерс операциялари.

Фьючерс – ҳосилавий молиявий инструментлар туркумига киради. Фьючерс операциялари, биржадаги муддатли операциялар бўлиб, хом-ашё товарлари, олтин, валюта, молиявий ва кредит инструментларини шартнома тузилаётган пайтда қайд этилган баҳода сотиш ёки сотиб олишдан иборат. Бунда, шартномани ижроси келгусида (2-3 йил) амалга ошади.

Амалиётда товар фьючерслари, фонд фьючерслари ва валюта фьючерслари мавжуд.

Форвард ва фьючерс шартномалари маълум бир валюта ёки молиявий инструментни маълум бир курс асосида келгусидаги маълум бир санада сотиш ёки сотиб олиш тўғрисидаги шартномадир.

Форвард шартномалари – бу, биржадан ташқаридаги бозорда амалга ошириладиган операциялардир. Фьючерс операциялари эса – бу, валюталарнинг белгиланган суммалари билан биржа бозорида алмашиш операцияларидир. Валюта фьючерслари – бу, биржада амалга ошириладиган тўлов муддати кўрсатилган ва стандартлаштирилган шартнома ҳажмлари билан хорижий валюталар билан бўлган муддатли валюта операцияларидир. Бундай операцияларни асосий мақсади курслар фарқи сифатида даромад олишдир.²

Фьючерс шартномалари ижро этилгунга қадар, кафолат сифатида, маълум бир сумма бўнак сифатида биржага тўланади. Операциялар билан боғлиқ ҳисоб-китоблар клиринг палатаси орқали амалга ошади ва ушбу палата сотувчи ва сотиб олувчи орасида воситачи бўлиб, шартнома ижро этилишини кафолатлайди.

²Л.Н. Красавина “Международные валютно кредитные и финансовые отношения” Москва 2004г

4. Опцион шартномалари.

Опцион – лотинча сўз “optio”дан олинган бўлиб, танлов маъносини беради. Опцион – бу маълум бир активни шартномада қайд этилган баҳода, олдиндан келишилган санада ёки келишилган маълум бир давр ичида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини (сотиб олувчи опционни учун) бошқа шахсга берилиши ҳақидаги икки тарафлама шартномадир.

Опционнинг 3 тури мавжуд, яъни:

1.Сотиб олишга опцион (“call option”) – бу опционни сотиб олувчи шахснинг, валюта курсининг ўсиш хавфидан (ёки маълум бир санага ҳисоб-китоб қилишдан) ўзини химоя қилиш мақсадида, унинг шу мазкур валютани сотиб олиш (ёки ҳисоб-китобни амалга ошириш) ҳуқуқидир (мажбурияти эмас).

2.Сотишга опцион (“put option”) – бу опционни сотиб олган шахснинг, валюта қадрсизланишидан ўзини химоя қилиш мақсадида, шу опционни сотишга (ёки маълум санага ҳисоб-китоб қилиш) ҳуқуқини (мажбуриятини эмас) билдиради.

3.Опцион стеллаж (немисча “stellage”) ёки (двойной опцион) ёки (“put-call option”) – бу опцион эгасига валютани, базис баҳоси бўйича, сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради (бир вақтнинг ўзида сотиб олиш ва сотишни эмас). Опционда унинг муддати кўрсатилади.

Опционнинг муддати - бу сана ёки маълум бир давр бўлиб, сана ёки давр мухлати ўтиб кетса, мазкур опционни ишлатиб бўлмайди.

Опционнинг 2 стили мавжуд: а) европача ва б) америкача.

Европача стили – бунда, опцион фақат маълум бир белгиланган санага ишлатилиши мумкин.

Америкача стили – бунда, опцион, опцион даврининг исталган пайтида ишлатилиши мумкин.

5. Своп шартномалари.

Своп (ингл. “swap”, “swop”) – алмашув, алмаштириш маъносини билдиради. Своп операцияси – бу, ҳисоб-китоб саналари турлича бўлган, тахминан тенг ҳажмдаги хорижий валютанинг бир вақтнинг ўзида сотилиши ва сотиб олиншидир. Своп, валюта операцияси валютанинг “spot” шартлари асосида, миллий валюта эвазига сотиб олинши ва кейинчалик унинг қайта сотиб олиншини кўзда тутди. Демак, своп операцияси – бу, валютанинг, миқдор жихатидан тенг суммаларга, улар бўйича ҳисоб-китобларни турли саналарда амалга ошириш шарти билан, бир вақтнинг ўзида сотиб олинши ва сотилишидир. Своп – бу, валютани, сўнгги сотув қафолати билан, вақтинчалик сотиб олишдир.

Амалиётда своп, бир вақтнинг ўзида, валюта алмашуви билан боғлиқ икки алоҳида шартноманинг имзоланишини кўзда тутди. Бу шартномалар қарама-қарши йўналишларга ва турли ҳисоб-китоб саналарига эга. Бу шартномаларнинг бири бўйича, биринчи валюта иккинчи валюта ҳисобига, маълум бир санада етказиб бериш шарти билан сотиб олинади. Иккинчи шартнома бўйича эса, биринчи валюта иккинчи валютага, бошқа санада етказиб бериш шарти билан, сотиб юборилади.

Своп валюта операцияларини кўп ҳолларда банклар амалга оширади. Бунда, икки банк орасида икки валюта билан алмашув маълум бир даврда бўлиб, шартнома охирида дастлабки валюталар банкларга қайтарилади. Валюталар билан алмашув, бир вақтнинг ўзида тузиладиган, аммо валюталарнинг турли саналарда етказиб берилиши кўзда тутилган икки қарама-қарши шартнома шаклида амалга ошади: “spot” бир шартнома бўйича ва “форвард” бошқа шартнома бўйича. Бунинг натижасида иккала банк ҳам, “spot” шартлари асосида сотиб олинган валютани, то у “форвард” шартлари асосида сотилгунга қадар, ўз ихтиёрига олади. Барқарор иқтисод ва капиталларнинг эркин ҳаракати шароитида форвард бозоридаги баҳолар фоизлар фарқларига боғлангандир.

6. Валюта арбитражи.

Валюта арбитражи – бу, фойда олиш мақсадида валюталарнинг олди-соттиси билан боғлиқ операциялардир. Арбитраж 2 шаклда бўлади: а) валюта арбитражи ва б) фоиз арбитражи.

Валюта арбитражи (французча “arbitrage”) – бу, валютанинг, унинг бир вақтнинг ўзида сотилишини ҳисобга олган ҳолда, валюта курслари фарқлари сифатида фойда олиш мақсадида, сотиб олиниши.

Оддий валюта арбитражи - бу, бир хорижий валюта ва ўзбек сўми билан ёки икки хорижий валюталар билан амалга ошириладиган арбитраждир.

Мураккаб валюта арбитражи – бу, кўп турдаги валюталар билан амалга ошириладиган арбитраждир.

Фазовий валюта арбитражи – бу, турли валюта бозорларида (турли биржаларда), мазкур валюта курси фарқлари ҳисобига фойда олиш мақсадида ўтказиладиган операциядир.

Фоиз арбитражи - бу, турли валюталар бўйича фоизлар фарқи сифатида фойда олиш мақсадида, хўжалик субъектларининг (арбитражёрларнинг) ўз қисқа муддатли активлари ва пасивлари валюта таркибини тартибга солишга қаратилган валюта (конверсион) ва депозит операцияларини ўзида мужассам этган шартномадир. Фоиз арбитражи, бу, пул бозорида бир вақтнинг ўзида пулларнинг маълум бир фоизга олиниши ва нисбатан юқори фоизга кредитга берилиши шаклида кенг қўлланилади. Фоиз арбитражи икки шаклда ишлатилади: а)форвардли қопланиш билан ва б)форвардли қопланишсиз.

5-МАВЗУ: ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР, ХАЛҚАРО КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗДОРЛИК МУАММОСИ.

РЕЖА

1. Халқаро кредитнинг моҳияти ва тамойиллари
2. Халқаро кредит шакллари
3. Халқаро кредитнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва роли.
4. Ссуда капиталлари бозори

1. Халқаро кредитнинг моҳияти ва тамойиллари.

Халқаро кредит деганда, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида ссуда капиталининг ҳаракати тушунилади. Кредит муносабатларининг субъектларига корхоналар, банклар, давлат муассасалари, халқаро ва минтақавий валюта ва молия-кредит ташкилотлари киради. Кредит объекти бўлиб эса давлатлараро миқёсда бериладиган кредит ҳисобланади.

Халқаро кредитнинг вужудга келиши ва амал қилиши жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг миллий чегаралардан чиқиши, хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, капиталнинг марказлашуви билан чамбарчас боғлиқ. Бутун дунё хўжалик алоқаларининг интенсивлашиши ва глобаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши натижасида халқаро кредит ҳажмининг кескин ошишига ва ундан фойдаланиш соҳаларини кенгайтишига жиддий таъсир кўрсатди. Кейинги йилларда халқаро кредитнинг ишлаб чиқариш ва ташқи савдо ҳажмининг ортиб боришидан тезроқ ўсиши ҳам бундан далолат беради.

Халқаро кредит операцияларини ўтказишда қуйидаги тамойилларга риоя этилиши зарур:

1. Қайтаришлик;
2. Муддатлилик;
3. Тўловлилик;
4. Таъминланганлик;
5. Мақсадли фойдаланиш.

2. Халқаро кредит шакллари

Халқаро кредит шакллари кредит муносабатларининг у ёки бу белгисига қараб таснифлаш мумкин. (1-жадв. га қаранг)

Халқаро кредит манбаларига курс: ички, ташқи, аралаш ва ташқи савдони молиялаш шаклида бўлиши мумкин. Бу усулларнинг барчаси товар харакатининг барча босқичларига хизмат қилади.

Ишонч кредити одатда қарз олувчининг олинган кредитни аниқ муддатда қайтариш мажбурияти асосида берилади. Ушбу кредитнинг хужжати сифатида фақат қарз олувчининг имзоси қайд этилган соло-вексел хизмат қилади. Бу кредитнинг бошқа шаклларига контокоррент ва овердрафт киради.

Кредит бериш техникасига кўра халқаро кредитнинг куйидаги турлари мавжуд: молиявий (нақд пул) кредитлари, импорт қилувчи ёки унинг банки томонидан траттант акцептлаш йўли билан тақдим этиладиган акцептли кредитлар депозит сертификатлари, облигация заёмлари ва бошқалар.

Кредит берувчининг турига қараб: хусусий (фирма, банк ёки воситачи-брокерлар), ҳукумат, хусусий фирма ва давлат биргаликда бериладиган аралаш кредитларга бўлинади.

Тижорат кредити одатда экспорт қилувчи фирма томонидан тўловни кечиктириш йўли билан товарни импорт қилувчига берилади. Шунинг учун уни фирма кредити деб ҳам юритишади. Фирма кредитининг муддати етказиб берилётган товарнинг тури, дунё бозоридаги конъюнктура шароитлари ва бошқа омилларга боғлиқ равишда 2-7 йилни ташкил этади. Вексел асосида кредитлашда экспорт қилувчи товарни сотиш тўғрисида битим тузгандан сўнг, импорт қилувчига ўтказма вексел (тратта) беради. Импорт қилувчи эса тижорат хужжатларини олгандан сўнг траттани акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда пулни тўлашга розилик беради.

Очиқ счет бўйича кредитлаш асосида экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида тузилган шартнома

Тижорат кредити тавсифи³.

| Ижобий томонлари: | Салбий томонлари: |
|--|---|
| <ol style="list-style-type: none">1. Экспортни кредитлашда давлатнинг тартибга солиш механизмидан холилиги;2. Тижорат битимларида давлат аралашувининг чекланганлиги;3. Тижорат битимида иштирок этувчиларнинг кредит қиймати ва бахоси бўйича эркин келишуви;4. Кредит муддатининг узайтириш мумкинлиги; | <ol style="list-style-type: none">1. Экспорт қилувчининг маблағлари ва молиявий ҳолатига боғлиқ бўлган сабабли кредит хажми ва муддатининг чекланганлиги;2. Кредитнинг бир қисми банк муассасаси томонидан таъминланиши;3. Истеъмолчининг фақат битта ишлаб чиқарувчи билан боғланиб қолиши;4. Товар нархининг одатдагидан юқори бўлиши. |

Очиқ счет бўйича кредитлаш асосида махсулотни экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида тузилган шартнома ётади. Бу хужжатга кўра, мол етказиб берувчи истеъмолчининг счётига сотилган ёки жўнатилган товарлар қийматини қарз сифатида ёзиб қўяди. Импорт қилувчи эса ушбу суммани тўлаши лозим бўлади. Бу кредитлаш амалиёти товарлар мунтазам етказиб берилиш ҳолатларида қарзни вақти - вақти билан

³ Кочегарова И.В. Операция наличной валюты в коммерческих банков. 2004

узиб туришни назарда тутлади. Фирма кредитининг бешдан бир шакли сифатида импорт қилувчининг аванс тўлови ҳисобланади.

Банк кредитининг экспорт ва молиявий турлари мавжуд. Экспорт кредити - бу экспорт қилувчи мамлакат банкининг импорт қилувчи мамлакат банкига турли машина, жихоз ва дастгоҳлар сотиб олишда бериладиган кредит ҳисобланади. Бу ҳолда берилётган кредит сотиб олинган товарга боғланади, яъни кредит мақсадли бериллади. Бундай кредит шакли 60 йиллардан сўнг истеъмолчига қўлланилмоқда.

Истеъмолчига бериладиган кредит тавсифи.

Истеъмолчига бериладиган кредитнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, экспорт қилувчининг банки ўзининг миқдорини эмас балки, ундан товар сотиб олаётган бошқа мамлакатдаги импорт қилувчини ва унинг банкни кредитлайди. Одатта бу кредит товар сотиб олишни амалга ошираётган фирмаларга бериллади.



Молиявий кредит ёрдамида қарз олувчи исталган бозордан товарларни сотиб олиши мумкин. Шунинг учун бу кредит товар етказиб беришга боғлиқ бўлмай, кўпинча ташқи қарзларни қоплаш, валюта курсини қўллаб – қувватлаш ёки валюта авуарларини (захираларини) тўлдириб туриш учун бериб турилади.

Экспорт операцияларини кредитлашнинг яна бир кенг тарқалган шакли – акцептли – рамбурсли кредитдир. Акцептли – рамбурсли кредит асосида экспорт қилувчининг вексели учинчи мамлакат томонидан акцептланади ва импорт қилувчи томонидан вексел суммасини акцептлаган банкка ўтказишни биргаликда амалга ошириш ётади.

3. Халқаро кредитнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ва роли.

XX асрнинг охирларида қатъий фоиз ставкаси билин бир қаторда кредит бозоридаги ставкаси даражасига мувофиқ тарзда ўзгариб турувчи сузиб юрувчи фоиз ставкасини ҳам қўлланила бошланди. Сузиб юрувчи ставка асосида бериладиган кредит муддатнинг бир қисми (3—6 ой) учун фоиз даври деб аталувчи қатъий ставка қўлланилади.

Реал фоиз ставкаси – бу маълум бир давр учун инфляция суръатлари чегирилган капитал ставкадир. Агар инфляциянинг ўсиш суръати фоиз ставкасидан юқори бўлса, реал фоиз ставкаси салбий кўрсаткичга айланади.

Еврокредитлар учун халқаро фоиз ставкаларидан фойдаланиш кенг тарқалган. Бунинг учун кўпинча евровалютада амалга ошириладиган қисқа муддатли банклараро операциялар бўйича Лондондаги банклараро таклиф ставкаси қўлланилади. Шунингдек жаҳоннинг бошқа молия бозорларида қуйидаги ставкалардан фойдаланадилар: Парижда –

ПИБОР, Сингапурда – СИБОР, Франкфуртда – ФИБОР, Люксембургда - ЛЮКСИБОР ва бошқалар.

Кредит қийматининг яширин элементларига кредит олиш ва ишлатиш мобайнидаги ҳамда кредит келишувида кўзда тутилмаган банк харажатлари киради. Уларга тижорат кредитлари бўйича товарларнинг ошириб юборилган нархи, қарзнинг маълум қисмини мажбурий тарзда депозитга қўйиш, банк билан ҳамкор бўлган суғурта компаниясида кредитни суғурталаш, товар хужжатларини инкассациялаш учун банк комиссиясининг ошириб юборилиши ва бошқалар. Бунда банк комиссия тўлови деганда банк миқдорларидан кўрсатган хизматлари учун оладиган ҳаққа айтилади. Халқаро кредитни тавсифлашда унинг таъминоти муҳим аҳамиятга эга.

4. Суда капиталлари бозори

Халқаро қафолатлар Марказий банклар, тижорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилади.

Халқаро қафолатлар банклар ва бошқа қафолат берувчи ташкилотлар учун муҳим даромад манбаи ҳисобланади, аммо бу юқори рискли операциялардан ҳисобланади.

Халқаро қафолатларнинг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

1. Тўғри қафолатлар – бунда қафолат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига қафолат беради. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларини тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай қафолатлар тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, хужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.

2. Воситалашган қафолатлар. Бунда қафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай қафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.

3. Тасдиқланган қафолатлар. Бундай қафолатлар берилган қафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз миқдори бўлган импортёрнинг тўлов мажбуриятлари бўйича қафолат берган бўлса, экспортёрнинг банки ҳам ушбу қафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса, мавжуд қафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида халқаро қафолатлардан фойдаланиш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Республикада катта суммада молиялаштирилаётган лойиҳалар давлат секторига мансуб бўлишиги сабабли халқаро қафолатлар ишлатувчи субъект ҳукуматдир. Бундай йирик лойиҳаларга Кўкдумалоқ нефть комплекси, Зарафшон-Ньюмонт, UzDaewooAuto ларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Олинаётган халқаро кредитларнинг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қафолати билан олинмоқда. Халқаро қафолатларни беришда тижорат структуралари ва банкларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистон Республикасида ХК ўрнини босувчи мажбуриятларни пул маблағлари билан таъминлаш тизими кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида ерга хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги ва бир қатор юқори ликвидли объектларнинг йўқлиги ХК лардан республика шароитида фойдаланишга жиддий таъсир этади (ҳукумат облигациялари, Марказий банк томонидан қайта ҳисобга олинган тратталар, ҳукумат томонидан қафолатланган саноат облигациялари).

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Валюта захиралари-бу:

- a. олтин ва чет эл валютасининг марказлашган жойи;
- b. мамлакатнинг марказий банкидаги пул металл захираси;
- c. халқаро валюта фондидан олинган пулл-кредит ва олтин захираси.
- d. Тугри жавоб йук

2. Девальвация-бу:

- a. миллий валюта кийматининг пасайиши;
- b. муомаладаги ортикча пул массасини камайтириш;
- c. мамлакатнинг миллий пул бирлигини йириклаштириш.
- d. Нотугри жавоб йук

3. Кредит муомала воситалари

- a. вексел, банкнот, чек;
- b. акция облигация ва чек;
- c. вексел, облигация, чек ва банкнота.
- d. нотугри жавоб йук

4. Векселлар булинади:

- a. оддий ва утказиладиган;
- b. тижорат ва банк векселлари;
- c. оддий ва утказиладиган;тижорат ва банк векселлари.
- d. нотугри жавоб йук.

5. Очик инфляциянинг курунишлари, булар:

- a. урмаловчи, гиперинфляция галоинфляция(бахоларнинг тез усиши);
- b. урмаловчи ва гиперинфляция;
- c. урмаловчи гиперинфляция, эпик инфляция.
- d. Барча жавоб тугри

6. Инфляция булинади

- a. очик ва эпик;
- b. урмаловчи ва сузиб юривчи;
- c. гиперинфляция ва урмаловчи инфляция.
- d. Барча жавоб тугри

7. Пул реформасини утказиш усуллари:

- a. ревальвация, девальвация ва нулификация;
- b. ревальвация, девальвация;
- c. девальвация ва нулификация.
- d. барча жавоб тугри

8. Кредит рестракцияси жараёнида

- a. кредит ресурсларига булган талаб камаяди
- b. кредит ресурсларига булган талаб кучаяди
- c. пул массаси купаяди
- d. киммабахо когозларнинг курси кутарилади

9. Кредит экспансияси жараёнида

- a. кимматбахо когозларнинг курси пасаяди
- b. кредит эмиссиясининг микдори купаяди
- c. кредит ресурсларига булган талаб камаяди
- d. нотугри жавоб йук

10. Пул реформасини утказиш усуллари:

- a. ревальвация, девальвация ва нулификация;
- b. ревальвация, девальвация;
- c. девальвация ва нулификация.
- d. барча жавоб тугри

11. Марказий банк ҳисоб ставкасини кутарилишининг сабаби:

- a. муомалада пул массаси купайиши
- b. банк кредитларининг процент ставкасининг ошиши
- c. банк кредитларининг процент ставкаси пасайиши
- d. давлат ичкарисидаги пул массаси купайиши.

12. Эркин сузиб юрувчи курс режимдан фойдаланишни таказо килувчи омилни курсатинг

- a. Марказий банкни етарли микдорда олтин-валюта резервларига эга булиши
- b. Марказий банкни етарли даражада олтин-валюта резервларига эга эмаслиги
- c. Мамлакат тулов балансининг ижобий сальдога эга эканлиги
- d. Мамлакатда чет эл валюталарига булган талабнинг катталиги.

13. Халқаро кредитларни таъминлашда кулланиладиган энг ликвидли гаров объектини курсатинг

- a. хукуматнинг кимматбаҳо коғозлари
- b. дебитор қарздорлик
- c. асосий фондлар
- d. давлат қаролати

14. Резидентларнинг валюта манбаларига қуйидагилар қиради:

- a. низом капиталига бадал
- b. чет эл ва ваколатли банклардан олган валюта кредитлари
- c. ички бозордан сотиб олинган валюта
- d. барчаси қиради

15. Банкнота-бу:

- a. эмиссия банклари томонидан чиқарилган кредит пулларининг турлари;
- b. тижорат банклари томонидан чиқарилган кимматбаҳо коғозлар;
- c. марказий банк томонидан чиқарилган кредит қарточкаларининг бир тури.
- d. тугри жавоб йук

16. Валюта-

- a. муайян давлатнинг пул бирлиги ва унинг турлари;
- b. хорижий давлатларнинг халқаро ҳисоб-китобларда кулланиладиган пул бирлиги;
- c. нотугри жавоб йук.
- d. Миллий валюта

17. Валюта захиралари-бу:

- a. олтин ва чет эл валютасининг марказлашган жойи;
- b. мамлакатнинг марказий банкидаги пул металл захираси;
- c. халқаро валюта фондидан олинган пул-кредит ва олтин захираси.
- d. Чет эл валютаси захираси

18. Молиявий бозор мақсади:

- a. Пулнинг эркин ҳаракати ва олди-соттиси учун нормал ҳолатни таъминлаш;
- b. Бозор ташкилотчиларига фойдани таъминлаш;
- c. Маблағлар ҳаракати устидан давлат назоратини урнатиш.
- d. Пул-кредит ҳаракатини бошқариш

19. Халққаро ҳисоб китоблар бу:

- a. турли давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий алоққалари натижасида вужудга келган ташққи қарзларини тартибга солиш усули.
- b. халққаро ташққи савдода вужудга келадиган молия кредит фаолиятини банклар оққали тартибга солиш
- c. турли давлат ҳисоб китобларида жойлашган давлат, ташкилот, аҳзобининг иқтисодий, сиёсий алоқалари
- d. оққали вужудга келган пуллик талаб ва мажбурий тўловларини тартибга солиш тизими
- e.

20. Кредит тизими нима?

- a. бу пул муносабатлари йиғиндисидир
- b. бу кредит муносабатларини ташкил этувчи кредит муассасалари ва институтлари йиғиндисидир
- c. бу банк ва саноат корхоналари йиғиндисидир
- d. бу кредит муассасалари ва сугурта компаниялари йиғиндисидир.

21. Ваколатли тижорат банкини пассив операциялари бу:

- a. бу банкнинг капитал яратиш билан боғлиқ фаолиятидир
- b. бу банк томонидан давлатнинг пул муомаласини тартибга солиш билан боғлиқ операциясидир
- c. бу банкнинг банк ресурсларини ташкил этиш мақсадида бўш пул маблағларини йиғиш билан боғлиқ фаолияти
- d. бу банкнинг ташқи савдони кредитлаш билан боғлиқ фаолияти.

22. Ваколатли Банк кредитининг асосий турларига қайсилар кирди?

- a. узок муддатли, киска муддатли, тижорат кредит
- b. давлат кредити, ўрта муддатли, узок ва киска муддатли
- c. киска, урта ва узок муддатли
- d. тижорат, давлат, узок ва киска муддатли кредитлар

23. Халқаро кредит нима?

- a. бу қимматбаҳо коғозлар харакати
- b. бу товар моддий қийматликлари □ харакати
- c. бир мамлакатнинг иккинчи бир мамлакатга булган карз мажбурияти
- d. халқаро иктисодий муносабатлар доирасида ссуда капиталининг харакати.

24. Таваккалик даражаси юққори булган валюта операциясини куўрсатинг

- a. Спот
- b. Форвард
- c. Опционлар билан боғлиқ операциялар.
- d. фьючерс операциялари

25. СВОП ставка нима?

- a. Евровалюталарда бериладиган кредитларнинг процент ставкалари ўртасидаги фарк.
- b. Спот курси ва форвард курслари ўртасидаги фарк.
- c. Банкнинг чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олиш курслари ўртасидаги фарк.
- d. Ломбард ва учет ставкалари ўртасидаги фарк

26. Марказий банк учет ставкасини куўтарилишининг сабаби:

- a. муомалада пул массаси купайиши
- b. банк кредитларининг процент ставкасининг ошиши
- c. банк кредитларининг процент ставкасини пасайиши
- d. давлат ичкарасидаги пул массаси куўпайиши.

27. Монометаллизм бу:

- a. давлат микёсида олтин еки кумуш тангаларнинг бирининг харакат килиши тизими;
- b. давлат микёсида олий металлардан бирининг харакат килиш тизими;
- c. нотугри жавоб йук;
- d. тугри жавоб йук.

28. Импортёр учун кулай хисоб китоб тури:

- a. хужжатли аккредитив
- b. хужжатли инкассо
- c. чеклар, очик хисоб раками
- d. тулов топширикномаси

29. Экспортёр учун номолиявий хизмат тури:

- a. Банклар томонидан бериладиган кафолотлар
- b. Банк ахборотлари такдим этиш
- c. турли балансдан ташкари хизматлар
- d. ҳамма жавоб нотугғри

30. Банк оркали пул утказиш бу:

- a. импортёр томонидан уз банкига маълум миқдордаги пулни экспортёр фойдасига утказиш тугғрисида буюрукнома
- b. бир банк томонидан иккинчисига пул ўтказиш усули
- c. бир шахсинг буюругига биноан иккинчи шахс фойдасига пул утказиш
- d. банкда пулни бир хисоб рақамидан иккинчисига ўтказиш

31. Давлат томонидан расмий равишда миллий валюта курсини оширилиши

бу-

- a. девальвация;
- b. деноминация;
- c. нулификация.
- d. ревальвация

32. Пул тизими курунишлари:

- a. монометаллизм ва биметаллизм;
- b. монометаллизм ва параллел харакат килувчи металлар тизими;
- c. параллел харакат килувчи металлар тизими ва монометаллизм, биметаллизм.
- d. Тугри жавоб йук

33. Туўлик эгри валюта котировкаси кқуйидаги давлат валюталарида олиб

борилади:

- a. АКШ ва Англия
- b. АКШ
- c. Англия
- d. Германия, Англия ва АКШ.

34. Валюта механизми нима?

- a. валюта маблагларини ишлатишни рағбатлантириш, уларни планлаштириш, тартибга солиш ва ташкил килишда гавдаланувчи валюта ричаглариинг харакат килиш усуллари ва асослари мажмуасидир
- b. чет эл валюталарини олиш сотиш билан боғлиққ булган ва давлат томонидан тартибга солинадиган валюта ричаглари мажмуасидир
- c. чет эл валюталари билан ишловчи ваколатли банклар томонидан чиққарилган валюта ричаглари мажмуасидир
- d. тўугри жавоб йқук

35. Молиявий холати баркарор мижоз учун банкнинг куйидаги кредит тури кулай хисобланади:

- a. Кредит линияси очмасдан алохида ссуда ракамидан кредитлаш;
- b. Кредит линияси очиб алохида ссуда ракамидан кредитлаш;
- c. Контокоррент ракамидан кредитлаш.
- d. Овердрафт;

36. Контокоррент ракамидаги кредит колдиги буйича фоиз кимнинг фойдасига езилади:

- a. Банк фойдасига;
- b. Мижоз фойдасига;
- c. Тенг булинади;
- d. Умуман хисобланмайди.

37. Кредит линияси очилган алохида ссуда раками буйича фоиз қандай ҳисобланади?

- a. Харақатда фойдаланилган кредит хажми буйича;
- b. Кредитнинг хақиқий фойдаланилган хажмидан қатъий назар барча очилган кредит линиясига;
- c. Хар ой уртача қарз қолдиги буйича.
- d. Кредитнинг қайтарилмаган қисмига;

38. Акционер тижорат банкининг уз капитали ташкил этилади;

- a. Марказий банк кредити ҳисобига;
- b. Акциялар эмиссияси ҳисобига;
- c. Депозит сертификатларини чиқариш орқали.
- d. Давлат бюджети ҳисобига;

39. Банкларнинг банкротликка учраш сабаблари:

- a. Банкни ёмон бошқариш;
- b. инфляция;
- c. Банк ликвидли маблағларининг қупайиши;
- d. Банк кредит ресурсларининг қуплиги.

40. Тижорат банкининг барқарорлиги – бу:

- a. Банкнинг барча мажбуриятларини бажариши;
- b. Юқори дивидендлар тулаш;
- c. Банк активларининг яхши сифати.
- d. Фоиз ставкаларини умумий даражасини пасайиши.

41. Банк рискларини қамайтиришининг асосий йуллари:

- a. Активлар диверсификацияси;
- b. Валюта бозоридаги уйини.
- c. Кредитлар миқдорини қамайтириш;
- d. Асосий воситаларни қупайтириш.

42. Банк ишончи қуйидагилар билан таъминланади:

- a. Барқарор молиявий ҳолати билан;
- b. Янги қимматбаҳо қозғалар чиқариш билан;
- c. Юқори фоиз ставкаси билан.
- d. Кредитлар миқдори билан;

43. Инфляцияни пасайтириш учун Марказий банк:

- a. Қайта молиялаштириш ставкасини қутаради;
- b. Қайта молиялаштириш ставкасини туширади;
- c. Узғартирмайди.
- d. Боғлиқлик йук.

44. Кризис (инкироз) шароитида миллий валюта курсини ушлаб туриш учун депозит ставкасини:

- a. қутариш қерак;
- b. пасайтириш қерак;
- c. угартирилмайди.
- d. Боғлиқлик йук.

45. Пул-кредит сиесати инструментлари булиб ҳисобланади:

- a. Минимал захира сиесати;
- b. Даромад солиғи ставкаси (қойда);
- c. Бюджетли молиялаштириш сиесати;
- d. Фоиз ставкаси турлари;

46. Куйида санаб утилган молиявий инструментлардан қайси бири пул-кредитга (инструментларига) таълуқли.

- a. Божхона солиғи ставкаси;
- b. Миллий валюта курсини тартибга солиш;
- c. Кушилган қиймат солиғи ставкаси (ККС);
- d. Фоиз ставкаси турлари;

47. Марказий банк «очик бозор» сиесати бу:

- a. давлат қимматбаҳо қозғалари қарамқарини тартибга солиш;
- b. Кредитлар буйича фоиз ставкаларини тартибга солиш;
- c. Марказлашган кредит маблағларини тартибга солиш.
- d. Миллий валюта курсини тартибга солиш;

48. Кредит экспансияси қараёнида

- a. қимматбаҳо қозғаларнинг курси пасаяди
- b. кредит эмиссиясининг миқдори қуаяди
- c. кредит ресурсларига бўлган талаб қамаяди
- d. нотугри қавоб йуқ

49. Пул реформасини утқазиш усуллари:

- a. ревальвация, девальвация ва нулификация;
- b. ревальвация, девальвация;
- c. девальвация ва нулификация.
- d. барча қавоб тугри

50. Марказий банк ҳисоб ставкасини қутарилишининг сабаби:

- a. муомалада пул массаси қуайиши
- b. банк кредитларининг процент ставкасининг ошиши
- c. банк кредитларининг процент ставкаси пасайиши
- d. давлат ичкарасидаги пул массаси қуайиши.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1.Халқаро банкларнинг молия бозорида валюта муносабатлари. (мижоз, бозор, суғурта)
- 2.Форфейтинг операциялари (ҳисоб-китоб,фоиз ставкаси)
- 3.Халқаро банкларнинг воситачилик операциялари (траст, агентлик хизматлари)
- 4.Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамияти ва акциядорлик ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон ва нима мақсадда қабул қилинди?
- 6 Факторинг операциялари (мижоз, битим, мажбурият).
- 7.Халқаро банкларнинг инвестицион фаолияти (диверсикациялаш, фаоллаштириш)
- 8.Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президент Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 9.Банк тизимининг ишлаб чиқарувчи субектлар билан боғлиқлигини ёритинг
- 10.Тижорат банк активларини гуруҳланг (қимматли қоғоз, риск)
- 11.Иқтисодиётнинг реал сектори- корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 12.Суда фоизини кўринишларига кўра классификацияланг (кўриниши, турлари)
- 13.Халқаро банкларнинг дивидент сиёсати(акция пакети,дивидент тўлов турлари)
- 14.Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк бошқаруви қарори қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 15.Қимматли қоғозлар бозорида банклар фаолияти(дилер,депозитарий)
- 16.Банкларни акциядорлик жамиятига айлантириш ва унинг аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси қонуни,ҳуқуқий ҳолати)
- 17.Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида банк тизимида захиралар яратиш бўйича молиявий ресурсларни бошқаришдаги келтирилган фикрлар.
- 18.Капиталлар бозорини ташкил этувчи молиявий инструментларни тушунтиринг (қимматли қоғозлар,ижобий ва камчилиги)
- 19.Банкларнинг пул бозорига тегишли бўлган молиявий инструментларини тушунтиринг(турлари,ижобий ва камчилиги)
20. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамияти ва акциядорлик ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон ва нима мақсадда қабул қилинди?
- 3.Халқаро банкларнинг вексел операциялари ва уларнинг турлари (ликвид,актив,фойда)
- 21.Халқаро ҳисоб-китоб шакллари(инкассо,аккредитив)
- 22.Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президент Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 23.Банк захираларини бошқариш
- 24.Халқаро банкларнинг янгича хизматлари ва уларни бошқариш (ишонч,депозит)
25. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
26. Чет эл банкларининг ташкилий тузилиши ва турлари (ваколатхона,филиал)
27. Банкларнинг халқаро кредитлари ва уларни тақдим этиш техникаси (мижоз маблағ)

28. Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк бошқаруви қарори қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 29.Халқаро кредит рискларини бошқариш (диверсификация,фоиз,мижоз)
- 30.Халқаро банкларнинг вужудга келиши ва бугунги кунда кунда замонавий банклар кўринишлари(турлари,хизматлари)
31. Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида банк тизимида заҳиралар яратиш бўйича молиявий ресурсларни бошқаришдаги келтирилган фикрлар.
- 32.Банкларнинг инвестицион портфели (турлари,моҳияти)
- 33.Тижорат банклари ликвидлиги ва унга таъсир этувчи омиллар(макро,микро)
34. Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамияти ва акциядорлик ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон ва нима мақсадда қабул қилинди?
- 35.Банк рискларини бошқариш
- 36.Халқаро нақдсиз ҳисоб-китобларда банклар авторизацияси ва унинг аҳамияти (пластик карталар,турлари)
- 37.Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президент Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 38.Банк ўтказмалари(миллий,чет эл валюталари)
- 39.Банк Капиталлари ҳаракатини бошқариш(кредит,лизинг,депозит)
40. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 41.Замонавий молия бозорлари ва уларнинг турлари(мижоз,банк,фойда)
- 42.Замонавий автоматлаштирилган банк тизими ва унинг фаолияти (мақсади, Ўзбекистон Республикаси қонуни)
- 43.Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 44.Банкларда актив ва пассивларни бошқариш(даромад,мижоз,манба)
- 45.Халқаро банкларнинг молия бозорида валюта муносабатлари. (мижоз, бозор, суғурта)
- 46.Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида банк тизимида заҳиралар яратиш бўйича молиявий ресурсларни бошқаришдаги келтирилган фикрлар.
- 47.Форфейтинг операциялари (ҳисоб-китоб,фоиз ставкаси)
- 48.Халқаро банкларнинг воситачилик операциялари (траст, агентлик хизматлари)
- 49.Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамияти ва акциядорлик ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон ва нима мақсадда қабул қилинди?
- 50.Факторинг операциялари (мижоз, битим, мажбурият)
- 51.Халқаро банкларнинг инвестицион фаолияти (диверсификациялаш, фаоллаштириш)
- 52.Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президент Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?
- 53.Банк тизимининг ишлаб чиқарувчи субъектлар билан боғлиқлигини ёритинг(“молиявий ниналар”)
- 54.Халқаро банк активларини гуруҳланг (қимматли қоғоз, риск)

55. Иқтисодиётнинг реал сектори- корхоналарнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора тadbирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Фармони қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?

56. Ссуда фоизини кўринишларига кўра классификацияланг (кўриниши, турлари)

57. Халқаро банкларнинг дивидент сиёсати (акция пакети, дивидент тўлов турлари)

58. Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк бошқаруви қарори қачон ва нима мақсадда қабул қилинди ?

59. Қимматли қоғозлар бозорида банклар фаолияти (дилер, депозитарий)

60. Банкларни акциядорлик жамиятига айлантириш ва унинг аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси қонуни, ҳуқуқий ҳолати)

МАЛАКАВИЙ ИШИ МАВЗУЛАРИ

1. Валюта позицияси ва уни турлари бўйича бошқариш.
2. «Валюта фьючерси» ва уни Ўзбекистон Республикасида қўллаш
3. Валюта клиринги ва уни амалга ошириш.
4. Миллий валюта тизими ва уни Жаҳон валюта тизими билан алоқаси.
5. Валюта бозори ва унинг хусусиятлари.
6. «СВОП» операцияси ва унинг авфзаллиги
7. Олтин ва уни халқаро валюта муносабатлардаги ўрни.
8. Тўлов баланси ва уни тузилиши.
9. Жаҳон валюта тизими ва уни бошқа валюта тизимларига таъсири.
10. Очик валюта позицияси ва уни бошқариш.
11. «Опцион» операцияси ва уни миллий давлатларга хос белгилари.
12. «Кросс» курс: аниқлаш усули ва валюта операцияларда ишлатиш сабаблари.
13. Тўлов балансига таъсир қилувчи омиллар ва уларни бошқариш.
14. Регионал валюта тизими ва уни ўзига хос бўлган элементлари.
15. Халқаро ҳисоб-пул бирликлари ва уни пайдо бўлиш шартлари ва фаолияти тартиби.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Валюта муносабатлари ва ривожланиш босқичлари.
2. Валюта котировкаси, моҳияти ва турлари.
3. Валюта арбитражи ва фаолият кўрсатиш шартлари.
4. Капитал ва кредит харакати баланслари, уларнинг фарқлари
5. Валюта чегараланиши ва уни Ўзбекистон Республикасида кўриниш шакллари.
6. Валюта тизими: моҳияти, эволюцион ривожланиши.
7. Валюта курси ва уни валюта операцияларида ишлатиш.
8. Валюта позицияси ва уни турлари бўйича бошқариш.
9. «Валюта фьючерси» ва уни Ўзбекистон Республикасида қўллаш
10. Валюта клиринги ва уни амалга ошириш.
11. Миллий валюта тизими ва уни Жаҳон валюта тизими билан алоқаси.
12. Валюта бозори ва унинг хусусиятлари.
13. «СВОП» операцияси ва унинг авфзаллиги
14. Олтин ва уни халқаро валюта муносабатлардаги ўрни.
15. Тўлов баланси ва уни тузилиши.

ГЛОССАРИЙ

Актив тўлов баланси - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.

Банк кредити - экспорт ва импортни кредитлашда ссуда формасида намоён бўлади ва у товарлар, товар ҳужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр-фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.

- бартер асосидаги ҳисоб-китоблар

Вақтинчалик усул - тўлов баланси дефицитини чет эл капиталини, яъни тадбиркорлик ва ссуда капиталларини киритиш йўли блан қоплашга айтилади.

Валюта қамали - халқаро ташкилотлар ёки айрим мамлакатлар гуруҳи томонидан баъзи бир мамлакатларга нисбатан валюта тушумларининг келиш жараёнида тўсқинлик қилиш тушунилади.

Валюта бозорлари - бу талаб ва таклиф асосида турли хил валюталар олди-сотди қилинадиган расмий марказлардир.

Валюта бозорларидаги операциялар- ташқи савдо бўйича халқаро ҳисоб-китоблар, халқаро туризм, капиталлар ва кредитларнинг давлатлараро ҳаракати ва чет эл валютасини олди-сотди қилиш билан боғлиқ бошқа ҳисоб-китоб операциялари ҳисобланади.

Валюта интервенцияси - Марказий банк томонидан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларидир.

Валюта курси - валюта бозоридаги чет эл валютасига эга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқади.

Валюта муносабатлари- валютанинг жаҳон оборотидаги ҳаракати натижасида вужудга келадиган пул муносабатидир.

Валюта операциялари - чет эл валюталари ва валютавий қимматликларга мулк ҳуқуқининг алмашилиши билан боғлиқ операцияларга айтилади.

Валюта резервларини диверсификация қилиш-бир вақтнинг ўзида 1 неча етакчи эркин алмашинадиган валюталарда чет эл валюта резервларини ташкил қилиш - валюта резервларини диверсификация қилиш дейилади.

Валюта rischi - валюта курсларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарар кўриш хавфи тушунилади.

Валюта сиёсати - бу халқаро валюта муносабатлари соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндисиدير.

Валюта тизими- валюта муносабатини ташкил қилишнинг давлат ҳуқуқи шакли.

Валютанинг курс режими-биринчидан, агар миллий валютанинг курси эркин тарзда валюта бозорида талаб ва таклиф асосида аниқланса, бу эркин сузиб юрувчи курс режими деб аталади.

Валютавий инқироз - халқаро валюта муносабатларида юзага келадиган кескин зиддиятларга айтилади.

Векселли кредит- экспортёр товарни сотиш ҳақида битим тузиб, ўтказма вексел (тратта)ни импортёрга жўнатади, импортёр тижорат ҳужжатларини олиб акцептлайди, яъни унда кўрсатилган муддатда тўловни амалга оширишга розилик беради.

Воситалашган кафолатлар- кафолат берувчи ўзига хос тарзда воситачилик вазифасини ўтайди. Бундай кафолатлар экспорт-импорт операцияларида кенг ишлатилади.

Девальвация - бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан расман қонуний асосда пасайтирилиши.

Девиз сиёсати -бу давлат органларининг чет эл валюталарини сотиш ёки сотиб олиш орқали миллий валюта курсига таъсир этиш сиёсатига айтилади.

Дисконт ставкаси-учёт ставкаси, Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан бериладиган

кредитларнинг фоиз ставкасидир.

Дисконт сиёсати - Марказий банкнинг учёт ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сиёсатидир.

Капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати баланси- тадбиркорлик билан ссуда капиталининг ҳаракати акс эттирилади.

- клиринг асосидаги ҳисоб-китоблар;

Кредит дискриминацияси - бу кредит олишда, ундан фойдаланишда ёки халқаро кредитни тўлашда маълум бир қарз олувчиларга иқтисодий ва сиёсий босимни юзага келтирувчи оғир ва қийин шартларни қўйишдир.

Кросс-курс - бир мамлакатнинг валютасини иккинчи бир мамлакат валютасига нисбатан USD орқали ифодаланадиган нисбати. Кросс-курс халқаро миқёсда кенг қўлланилади. Уни асосан йирик компаниялар ва корпорациялар қўллайди. Бу валюта курсини аниқлашнинг реал йўли ҳисобланади.

Ломбард кредити -тижорат банклари Марказий банкдан ўзларининг портфелидан қимматбаҳо қоғозларни гаровга қўйиш орқали кредит олиш - бу ломбард кредити ҳисобланади.

Мамлакатларнинг халқаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш режасини белгилаш, халқаро ҳисоб-китоблар тури:

Миллий валютанинг паритети - миллий валюта қийматининг хорижий валюта қийматига нисбати бўлиб, у ҳисобланадиган кўрсаткич ҳисобланади ва миллий валюта курсини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредит- экспортёр жўнатилган ҳар бир товарлар қийматини импортёрнинг ҳисобига қарз сифатида қайд қилиб боради. Импортёр шартномада кўрсатилган вақтда кредит суммасини тўлаб боради. Очиқ счётлар бўйича бериладиган кредитлар фақатгина доимий алоқада бўлган фирмалар ўртасидагина амалга оширилиши мумкин.

Пассив тўлов баланси-тушумлар суммаси тўловлар суммасидан бўлади.

Ревальвация - бу миллий валюта курсининг чет эл валюта курсига нисбатан ошириш. Ревальвация асосан импортни рағбатлантириш ва миллий бозорни ўша мамлакат товарлари билан тўлдириш мақсадида қўлланилади.

Савдо баланси- экспорт ва импорт операциялари бўйича валюта тўловлари ва тушумларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Кредитга сотиб олинган товарлар қиймати бу ерда акс эттирилмайди.

Своп операцияси - бир валютани спот операцияси бўйича сотиб олиш ва форвард шarti бўйича сотишига ёки форвард шarti бўйича сотиб олиш ва спот шarti бўйича сотишга айтилади.

- СКВ да амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;

Спот операциялари - валюта битими тузилгандан сўнг, валюталар икки иш кунда келиб тушадиган операциялар.

Сўнгги усул - мамлакатнинг олтин валюта резервларини ишлатиш йўли билан тўлов баланси дефицитини қоплашга айтилади.

Тасдиқланган кафолатлар- кафолатларни тасдиқлаш шаклида намоён бўлади. Масалан, банк ўз мижози бўлган импортёрнинг тўлов мажбуриятлари бўйича кафолат берган бўлса, экспортёрнинг банки ҳам ушбу кафолатлар бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бу эса, мавжуд кафолатларни тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади.

Тўғри кафолатлар – бунда кафолат берувчи томон бевосита экспорт-импорт операцияларига кафолат беради. Бунда мазкур тўлов бўйича мажбуриятларини тўлиқ ўз зиммасига олади. Бундай кафолатлар тўлов талабномалари бўйича ҳисоб-китоблар, хужжатлаштирилган аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади.

Тўлов баланси - мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади.

Фирма кредити - экспортёр мамлакатнинг бир фирмаси бошқа мамлакатнинг импортёрига тўловни кечиктириш шаклидаги ссуда беришига тушунилади.

Форвард операциялари - белгиланган муддатда, аммо икки иш кунидан ошиқ бўлган муддатда амалга ошириладиган операцияларга айтилади. Амалиётда форвард битимларини амалга оширишнинг стандарт муддатлари учрайди. Стандарт муддатларга 1; 3; 6; 9; ва 12 ойларни киритиш мумкин.

Халқаро кафолатлар - товарлар ва капиталлар ҳаракатининг узлуксиз ва доимий ҳаракат қилинишини таъминланишига хизмат қилиб Марказий банклар, тижорат банклари, корпорациялар, ҳукумат ва халқаро ташкилотлар томонидан берилади.

Халқаро кредит муносабатларининг субъектлари - тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, йирик корхоналар, регионал ва халқаро молия-кредит ташкилотлари қатнашади.

Халқаро ҳисоб-китоблар-ташки савдо, капиталлар ва кредитларнинг ҳаракати билан боғлиқ валютавий операциялар, валютада олди-сотди қилиш операциялари ва бошқа товарсиз ҳаракатдаги операциялар мажмуи тушунилади.

Харид аванси - экспортни кредитлашнинг бир формаси бўлиб ҳисобланади ва шу вақтнинг ўзида импортёрнинг мажбуриятини таъминловчи воситадир. Чунки импортёр ўзи буюртма берган товарни сотиб олишга мажбур бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг импорт билан шуғулланувчи фирмалари ривожланаётган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, харид авансидан шу давлатларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиб кетишда фойдаланмоқдалар.

Харид кредити- экспортёр банкнинг тўғридан тўғри миллий экспортёрни кредитламасдан, балки чет эллик харидорни, яъни, импортёр мамлакат фирмаси ва унинг банкини кредитлаш ҳисобланади.

Хизматлар ва тижорат характериға эға бўлмаған тўловлар баланси- транспорт, почта, телеграф, телефон, туризм, маданий алоқалар, переводлар, хорижий мамлакатлар худудида ҳарбий қисмларни сақлаш, чет элда савдо ва дипломатик ваколатхоналарни очиш, халқаро кредитлар бўйича тўланадиган фоизлар ва бошқа шу каби соҳаларда юзага келувчи валютавий тушумлар ва тўловлар суммаси акс эттирилади.

Чет эл валюталарини диверсификация қилиш - бир вақтнинг ўзида бир нечта чет эл валютасида резервлар ташкил қилиш тушунилади.

Ҳисоб-китоб баланси - шундай иқтисодий категорияки, бунда мамлакатнинг хорижий давлатларга нисбатан талаб ва мажбуриятларининг умумий суммаси кўрсатилади.

ЭАВ - мамлакатнинг тўлов балансини жорий операциялар бўлимиға валютавий чеклашлар бўлмаса, бу мамлакатнинг пули эркин алмашадиган валюта деб тан олинади.

Қайта молиялаштириш сиёсати - Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматбаҳо қоғозларни гаровға олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.

ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

2-мавзу. Валюта курси: мазмуни, аниқлаш тартиби ва унинг барқарорлигини таъминлаш йўллари

- ◆ 1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти.
- ◆ 2. Эркин сузиб юривчи курслар. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар. Бошқариладиган курслар.
- ◆ 3. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар.
- ◆ 4. Валюта курсини барқарорлаштиришнинг миқдорийлик назарияси.
- ◆ 5. Ҳукуматнинг валюта бозорига аралашуви ва валюта курси.

1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида валюта курсининг мазмуни ва аҳамияти.

◆ Валюта курси – бу, бир валютанинг бошқа бир валютадаги ифодаси ёки баҳосидир. Валюта курси – хорижий валютанинг миллий валютадаги ифодаси. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 1 АҚШ доллари қ 860 сўм ёки Россияда 1 АҚШ доллари қ 31,34 рубль.

◆ Валюта курси пулнинг халқаро харакати жараёнига тааллуқли ва умумий асосда миллий иқтисоднинг жахон хўжалиги билан алоқаларини ифодалайди.

◆ Кросс-курс – бу, икки валюта орасидаги курсни учинчи валюта орқали аниқлаш услуги натижасида топилган курсдир.

- ◆ Масалан, GBP/USD 1,5550
- ◆ USD/SEK 1,7550, бу ердан
- ◆ GBP/SEK 2,7290 ($1,7550 \times 1,5550$)
- ◆ Ёки, USD/SEK 1,7550
- ◆ USD/GPY 100, бу ердан
- ◆ SEK/GPY 56,98 ($100 / 1,7550$)
- ◆ Бундан ташқари, жахон валюта б

2.Эркин сузиб юрвчи курслар. Қатъий белгиланган курслар: олтин стандартлар. Бошқариладиган курслар.

Хар қандай валюта операцияларида сотувчи ва сотиболувчи курслари аниқланади. Котировка услугига қараб улар хар хил бўлиши мумкин. Масалан, тўғри котировкада банклар хорижий валютани паст курсда сотиб оладилар ва юқори курсда сотадилар. Тесқари котировкада эса, аксинча, банклар хорижий валютани юқори курсда сотиб оладилар ва паст курсда сотадилар.

Валюта курсининг турлари.

- ◆ 1. "spot" курс,
2. форвард курс,
- ◆ 3. кросс-курс,
- ◆ 4. "аутрайт" курси,
- ◆ 5. сотувчи ва сотиб олувчи курси.

"Спот" курс

нақдли (касса) шартнома курсидир. У, "spot" шартномалари ижроси пайтида қайд этиладиган бир мамлакат валютасининг баҳосини бошқа мамлакат валютасидаги ифодасидан иборат.

3. Валюта курсига таъсир этувчи омиллар

- ◆ **1. Пул бирликларининг сотиб олиш қобилияти**
- ◆ **2. Инфляция суръати**
- ◆ **3. Тулов балансининг ахволи**
- ◆ **4. Фоиз ставкаларни фарқи**
- ◆ **5. Валюта бозорларининг фаолияти ва чайқов валюта операциялари**
- ◆ **6. Марказий банкнинг валюта сиёсати**
- ◆ **7. Мамлакатнинг тулов қобилияти**


3-мавзу. Валюта сиёсати ва унинг асосий шакллари

- ◆ 1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида валюта сиёсати ва унинг асосий турлари. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.
- ◆ 2. Дисконт, девиз сиёсати ва уларнинг асосий кўринишлари. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.
- ◆ 3. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.
- ◆ 4. Валюта бозорлари фаолиятига давлат аралашувининг зарурлиги ва аҳамияти. Валюта сиёсатининг асосий йўналишлари.

1. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида валюта сиёсати ва унинг асосий турлари. Валюта сиёсатининг асосий шакллари.

Валюта сиёсати - бу халқаро валюта муносабатлари соҳасида амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндиси.

- ◆ Валюта сиёсати ҳукумат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисмидир. Валюта сиёсати ҳар доим ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатининг стратегик мақсадларига мос бўлиши керак. Давр нуқтаи назаридан валюта сиёсати икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин: а) жорий; б) перспектив.



◆ **Дисконт сиёсати бу Марказий банкнинг хисоб ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валюта курсига ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш сиёсатидир.**

◆ **Хисоб ставкаси Марказий банк томонидан тижорат банкларига уларнинг ихтиёридаги тратталарни қайта хисобга олиш йўли билан бериладиган кредитларнинг фоиз ставкасидир.**

◆ **Марказий банкнинг хисоб ставкаси - 0.5%**

◆ **Девиз сиёсати деганда, давлат органларининг чет эл валюталарини сотиш ёки сотиб олиш орқали миллий валюта курсига таъсир этиш сиёсатига айтилади. Девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли бу валюта интервенцияси хисобланади.**

Валюта интервенцияси Марказий банк томонидан миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида чет эл валютани сотиш ва сотиб олиш операцияларидир.

2.Дисконт, девиз сиёсати ва уларнинг асосий кўринишлари. Валютавий чеклашларни жорий қилиш масалалари.

. Валюта сиёсатининг қуйидаги шакллари қўлланилади:
дисконт, девиз сиёсати ва унинг турларидан бири бўлмиш валюта интервенцияси, валюта захираларининг диверсификацияси, валюта чекланишлари, валюталарнинг алмашилиш даражаларини мувофиқлаштириш, валюта курси режими, девальвация, ревальвация.



3. Халқаро валюта сиёсатидаги асосий ўзгаришлар. Халқаро регионал миқёсидаги валюта сиёсати.

Икки қатламли валюта бозори қатъий белгиланган ва эркин сузувчи курслар режимлари орасидан жой олган валюта сиёсатининг шаклидир. У 1970-йиллар бошида Бельгия, Италия, Францияда давлатларида киритилган. Унинг мохияти валюта бозорининг икки қисмга бўлинишидадир, яъни тижорат операциялари ва хизматлар бўйича расмий курс ишлатилади

4-мавзу. Валюта бозорлари

- ◆ 1. Валюта бозори тушунчасининг мазмуни.
- ◆ 2. Валюта бозорининг субъектлари.
- ◆ 3. Валюта бозорининг турлари.
- ◆ 4. Регионал валюта бозорлари.
- ◆ 5. Жаҳон валюта бозорлари.

1. Валюта бозори тушунчасининг мазмуни.

Замонавий валюта бозори, ялпи жахон хўжалиги миқёсида амал қилувчи, мураккаб ва мунтазам иқтисодий тизим сифатида майдонга чиқади. Валюта бозори, янги шароитларга мослашган ҳолда, тинмай ривожланиб келган. У, хорижий валютадаги векселлар билан савдонинг локал марказларидан тортиб, то бирдан-бир ҳақиқий халқаро бозор шаклигача бўлган йўлни босиб ўтди.

◆ Валюта бозори – бу, механизм бўлиб, унинг ёрдамида хорижий валюталарнинг олди-соттиси билан боғлиқ операциялар амалга ошади. Хорижий валюталарнинг олди-соттисига бўлган зарурат халқаро операцияларни амалга оширган пайтда пайдо бўлади: ташқи савдода, хорижий валютада кредит берилганда, хорижий валютадаги захираларини валюта курси тебранишидан суғурта қилганда.

◆ Бир валютани бошқа бир валютага ўтказиш зарурати шундаки, одатда халқаро савдо шартномаларини ва капитал билан операцияларни амалга оширувчи шахслар ўз миллий валюталарига эга мустақил давлатларда яшайдилар.

Валюта бозори қуйидаги функцияларни бажаради:

◆-товарлар, хизматлар ва капиталлар халқаро муомаласига хизмат кўрсатиш;

◆ -иқтисодий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланадиган талаб ва таклифни баланслаш орқали валюта курсларини аниқлаш;

-валюта рискларидан химояланиш учун механизмни тақдим этиш;

◆-давлат томонидан пул-кредит ва иқтисодий сиёсатни амалга оширишда бозордан фойдаланиш.

Баҳо масштаби - бу тарихан шаклланган ва мамлакатнинг миллий пул бирлиги заминида ётган расмий олтин миқдоридир. Бошқача қилиб айтганда миллий пул бирлиги қийматини ифодаловчи олтин миқдоридир. Масалан, тарихий масштабларга назар соладиган бўлсак, улар қуйидагича: 1887 йилда Чор Россиясининг 1 рубли заминида 0,774234 грамм олтин бор эди ёки 1 рубль 0,774234 грамм олтин қийматини ифодалар эди. 1922-24 йилларда Советлар томонидан чиқарилган 1 червонецда 7,74234 грамм олтин бор эди. Буюк Британия фунт стерлинги заминида эса 1821 йилда 7,322365 грамм, Германия маркасида 1873 йилда 0,385422 грамм олтин бор эди. Шу билан биргаликда, АҚШ доллари заминида 1971 йилда 0,888671 грамм, СССР рублида эса 1961 йилда 0,987412 грамм олтин бор эди.

♦ Миллий пул бирликлари заминда ётган олтин миқдорлари, давлатларнинг иқтисодий барқарорлигига қараб ўзгариб туриши мумкин. Агарда, давлат иқтисодиётида муаммолар пайдо бўлиб, мувозанатсизлик бошланса, унда давлат миллий пул бирлигининг қадрсизланиш суръатини пасайтириш мақсадида уни "девальвация" қилишга, заминдаги олтин миқдорини қамайтиришга мажбур бўлар эди. Аксинча бўлганда эса, давлатлар томонидан миллий пул бирликларининг "ревальвация"си, яъни заминдаги олтин миқдорини ошириш тадбирлари кўрилар эди.

♦ Баҳо масштаблари Ямайка валюта тизими гача, яъни 1976 йил гача амалиётда бўлган. Ямайка валюта тизими шароитида расмий асосда олтин ўзининг пул сифатидаги ҳаракатини тўхтатади (олтин демонетизацияси) ва халқаро муносабатларда кўп валютали стандарт қабул қилинади.

3. Валюта бозорининг турлари.

Валюта бозори, валюта муносабатларининг субъектлари ва унда ишлатиладиган валюталарни сонига қараб, миллий, ҳудудий ва жаҳон валюта бозорларига бўлинади.

Бу бозорлар, миллий валюта конвертация қилинмайдиган ва қаттиқ валюта чегарали нишлари мавжуд бўлган пайтда давлат томонидан миллий пул ва валюта тизимини шакллантириш босқичида шаклланади. Бундай мамлакатларда жаҳон валюта бозорига фақат ваколатли ("девизли" ёки "валютали") банклар чиқа олади.

Бугунги кунда деярли барча жойларда банклар брокерлар иштирокисиз валюта шартномаларини амалга ошириши мумкин. Валюта бозоридаги операцияларда жамғариш-кассалари, пенсия фондлари ва бошқа шу каби молия-кредит ташкилотларининг иштироки кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари валюта бозорига шахсий дилер бўлимларини ва шуъба (дочерний) молия компанияларини очаётган йирик савдо-саноат компаниялари чиқмоқда.

5-мавзу. Валюта операциялари ва уларнинг турлари

1. Валюта операциялари тушунчасининг мазмуни. Валюта операцияларининг асосий турлари.
2. Спот операциялари ва спот курслари. Нақд валютани айирбошлаш операциялари.
3. Муддатли операциялар ва уларнинг турлари.
4. Опцион шартномалари ва уларнинг турлари.
5. Своп операциялари ва уларнинг хусусиятлари.
6. Валюта операцияларида хеджирлаш.

1. Валюта операциялари тушунчасининг мазмуни. Валюта операцияларининг асосий турлари.

Жахон валюта бозорида амалга ошадиган операцияларнинг барчасини 100% деб олсак, уларнинг 70% дан зиёди спот (spot) номли операцияларга тўғри келади.

Реал валюта билан муддатли шартномалар ташқи-иқтисодий операциялар бўйича тўловларни ва хориждаги капитал қуйилмаларини суғурталаш ҳамда арбитраж фойдасини олиш мақсадида тузилади.

Муддатли валюта операциялари деб, валюталарни келгусида етказиб бериш ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш шарти билан, шартнома тузиш куни курси асосида сотиб олиш ёки сотиш тушунилади. Улар одатда, валюта курси ўзгаришидан суғурта қилишда ёки чайқов фойдасини олишда ишлатилади.

• Банклараро муддатли валюта операциялари “форвард” операциялари деб аталади. Форвард операциялари – биржадан ташқари муддатли валюта операциялари бўлиб, келишув асосида, телефон ёки телекс орқали банклар ва савдо-саноат компаниялари томонидан амалга оширилади. 1984 йилдан бошлаб кредит (молия) инструментлари билан операциялар – яъни “келгусида етказиб бериш тўғрисида келишув” (forward rate agreements), ўтказиш амалиёти қўлланилади. Улар, бир йилгача депозитлар бўйича фоизлар ўзгариши оқибатидаги кўрилган зарарларни ўзаро қоплаш бўйича банклараро муддатли келишувлардан иборат бўлиб, одатда 1 млн.-50 млн. АҚШ доллари хажмидаги суммаларга тузилади.

5. Свop операциялари ва уларнинг хусусиятлари.

банклар ўртасидаги валюта шартномаси бўлиб, бир турдаги ва бир хил хажмдаги валютанинг турли муддатларга олди-сотди операциялари комбинациясидан иборатдир. Бир шартнома доирасида валютанинг маълум бир суммаси муайян муддатга сотиб олинади ва ўша захоти нақдли валюта бозорида сотилади, ёки бунинг тескариси бўлиши мумкин.

♦ "Ностандарт" тўлов муддатлари деганда, битим амалга ошиши аниқ бир кунининг стандарт форвард тузилмасига киритиб бўлмайдиган, барча форвард саналари кўзда тутилади. Агар стандарт форвард ҳисоб-китоб саналари 1, 2, 3 ва шу каби ойларга белгилаб, миқдор эса котиловкани 2,5 ойга олмоқчи бўлса, бу дегани миқдор ҳисоб-китобларни "ностандарт" муддатига курсни ва "ностандарт" санасини белгилашни сўраётганлигини билдиради.

♦ Мукофот ёки дисконт миқдори "spot" курсига нисбатан барқарорроқдир. Шунинг учун банкларо бозорда муддатли шартнома курси котиловка қилинганда фақат мукофот ёки дисконт аниқланади.

♦ Тўғри котиловкада мукофот "spot" курсига қўшилади, дисконт эса айрилади. Тесқари котиловкада эса, дисконт "spot" курсига қўшилади, мукофот эса айрилади.

♦ Агарда, форвард шартлари асосида валюта, "spot" шартларига нисбатан юқориоқ котиловка қилинса, унда бу хорижий валюта мукофот билан котиловка қилинади. Дисконт эса бунинг тесқарисидир.

Мукофот ёки дисконт услуби орқали аниқланган муддатли курс "аутрайт" курси деб аталади.

♦ Мукофот бўлганда валюта муддатга "spot" курсига нисбатан қимматроқ, дисконт бўлганда эса арзонроқ котиловка қилинади.

9-мавзу. Халқаро кредитлар, халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси

- ◆ 1. «Халқаро кредит» тушунчасининг мазмуни. Халқаро кредитнинг шакллари.
- ◆ 2. Халқаро банк кредити. Тижорат кредити.
- ◆ 3. Ташқи ва ички кредитлар. Товарли ва валютавий кредитлар.
- ◆ 4. Халқаро ҳисоб бирликларидаги халқаро кредитлар. Гаровли ва ишончли кредитлар.

1. «Халқаро кредит» тушунчасининг мазмуни. Халқаро кредитнинг шакллари.

◆ муносабатлар соҳасида ссуда Халқаро кредит деганда, халқаро иқтисодий капиталининг ҳаракати тушунилади. Кредит муносабатларининг субъектларига корхоналар, банклар, давлат муассасалари, халқаро ва минтақавий валюта ва молия-кредит ташкилотлари киради. Кредит объекти бўлиб эса давлатлараро миқёсда бериладиган кредит ҳисобланади.

Халқаро кредитнинг вужудга келиши ва амал қилиши жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг миллий чегаралардан чиқиши, хўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, капиталнинг марказлашуви билан чамбарчас боғлиқ.



Фойдаланиш соҳаси яъни қарз маблағлари қайси ташқи савдо битими учун берилишига қараб халқаро кредит қуйидагича таснифланади:

◆ Ташқи савдо ва хизматлар билан боғлиқ бўлган тижорат кредитлари;

◆ Бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган молиявий кредитлар;

Товар, иш ва хизматлар ҳамда капитал четга чиқариш каби аралаш шаклда бериладиган кредитлар. Масалан, пудрат ишларини амалга ошириш учун берилиши мумкин.

◆ Ишонч кредити одатда қарз олувчининг олинган кредитни аниқ муддатда қайтариш мажбурияти асосида берилади. Ушбу кредитнинг хужжати сифатида фақат қарз олувчининг имзоси қайд этилган соло-вексел хизмат қилади. Бу кредитнинг бошқа шакллариға контокоррент ва овердрафт киради.

Кредит бериш техникасига кўра халқаро кредитнинг қуйидаги турлари мавжуд: молиявий (нақд пул) кредитлари, импорт қилувчи ёки унинг банки томонидан траттант акцептлаш йўли билан тақдим этиладиган акцептли кредитлар депозит сертификатлари, облигация заёмлари ва бошқалар.

2. Халқаро банк кредити. Тижорат кредити.


Тижорат кредити одатда экспорт қилувчи фирма томонидан тўловни кечиктириш йўли билан товарни импорт қилувчига берилади. Шунинг учун уни фирма кредити деб ҳам юритишади.

Фирма кредитининг муддати етказиб берилаётган товарнинг тури, дунё бозоридаги конъюнктура шароитлари ва бошқа омилларга боғлиқ равишда 2-7 йилни ташкил этади. Четга машина ва мураккаб жихозларни чиқариш хажмининг йилдан – йилга ортиб бориши натижасида фирма кредитининг муддатини ҳам узайтирмоқда. Фирма кредити вексель ёки очиқ ҳисоб йўли билан расмийлаштирилади.

Тижорат кредити тавсифи

| Ижобий томонлари: | Салбий томонлари: |
|---|--|
| <ol style="list-style-type: none"> 1.Экспортни кредитлашда давлатнинг тартибга солиш механизмидан қоллиги; 2.Тижорат битимларида давлат аралашувининг чекланганлиги; 3.Тижорат битимида иштирок этувчиларнинг кредит қиймати ва божиси бўйича эркин келишуви; 4.Кредит муддатининг узайтириш имконлиги; | <ol style="list-style-type: none"> 1.Экспорт қилувчининг маблағлари ва молиявий ҳолатига боғлиқ бўлган сабабли кредит ҳажми ва муддатининг чекланганлиги; 2.Кредитнинг бир қисми банк муассасаси томонидан таъминланиши; 3.Истеъмолчининг фақат битта ишлаб чиқарувчи билан боғланиб қолиши; 4.Товар нархининг одатдагидан юқори бўлиши. |

Истеъмолчига бериладиган кредит тавсифи



3. Ташқи ва ички кредитлар. Товарли ва валютавий кредитлар.

Ташқи савдо операцияларида фойдаланадиган акцептли рамбурсли кредитнинг таъминланганлик даражаси юқори ҳисобланади. Акцептли-рамбурсли кредитнинг шартлари (лимитли, муддатли, фоиз ставкаси, расмийлаштириш тартиби, фойдаланиш ва қоплаш шартлари) банклар ўртасида олдиндан келишиб олинади. Агар товарлар реализацияси билан боғлиқ бўлмаса, у ҳолда бу молиявий кредит ҳисобланади.

◆ Акцептли – рамбурсли кредитлаш жараёни қуйидаги тартибда ва кетма – кетликда амалга оширилади:

- ◆ Акцептловчи банк орқали траттани акцептлаш тўғрисида топшириқ берилади.
- ◆ Акцептлаш тўғрисида шартнома тузилади.
- ◆ Траттани акцептлаш мажбуриятини назарда тутувчи чақириб олинмайдиган акцептли аккредитив тақдим этилади.
- ◆ Товарни жўнатиш амалга оширилади.
- ◆ тратта ҳисобга олинади ва тижорат ҳужжатлари банкка етказиб берилади.
- ◆ Акцептлаш учун тижорат ва тратта ҳужжатлари акцептловчи банкка берилади.
- ◆ Акцептланган тратта экспорт қилувчига қайтарилади.
- ◆ Тратта қайта ҳисобга олинади.
- ◆ Тижорат ҳужжатлари жўнатилади.
- ◆ Тижорат ҳужжатлари импорт қилувчига тилхат воситасида берилади.
- ◆ Рамбурслаш – вексел суммасини ўтказиш ва таъминотни қайтариш амалга оширилади.
- ◆ Вексел суммаси акцептловчи банкка ўтказилади.
- ◆ Муддати етиб келиши билан траттани тўлов учун тақдим этади.

♦ Акцептли – рабурсли кредитлаш жараёни қуйидаги тартибда ва кетма – кетликда амалга оширилади:

- ♦ Акцептловчи банк орқали траттани акцептлаш тўғрисида топшириқ берилади.
- ♦ Акцептлаш тўғрисида шартнома тузилади.
- ♦ Траттани акцептлаш мажбуриятини назарда тутувчи чақириб олинмайдгин акцептли аккредетив тақдим этилади.
- ♦ Товарни жўнатиш амалга оширилади.
- ♦ тратта ҳисобга олинади ва тижорат ҳужжатлари банкка етказиб берилади.
- ♦ Акцептлаш учун тижорат ва тратта ҳужжатлари акцептловчи банкка берилади.
- ♦ Акцептланган тратта экспорт қилувчига қайтарилади.
- ♦ Тратта қайта ҳисобга олинади.
- ♦ Тижорат ҳужжатлари жўнатилади.
- ♦ Тижорат ҳужжатлари импорт қилувчига тилхат воситасида берилади.
- ♦ Рабурслаш – вексел суммасини ўтказиш ва таъминотни қайтариш амалга оширилади.
- ♦ Вексел суммаси акцептловчи банкка ўтказилади.
- ♦ Муддати етиб келиши билан траттани тўлов учун тақдим этади.

Кейинги йилларда халқаро кредитлашнинг замонавий кўринишларидан бўлган халқаро иқтисодий алоқаларда кенг қўлланилаётган банк амалиётлари – лизинг, факторинг, форфейтинг кабиларга эътибор кучаймоқда.

♦ Халқаро кредитнинг жорий унсурларига қуйидагилар киради:

- Кредит валютаси
- ♦ - Тўлов валютаси
- ♦ - Кредит суммаси
- ♦ - Кредит муддати
- ♦ - Кредитдан фойдаланиш ва қайтариш шартлари
 - ♦ - Таъминот қиймати ва тури
 - ♦ - Рискларни суғурталаш усуллари

• Кредит валютаси: Халқаро кредит муносабатларида кредит берилаётган валюта катта аҳамиятга эга бўлиб, бунга инфляция ва валютанинг барқарорлик даражаси билан боғлиқ бўлган кредитор rischi таъсир этади. Кредит валютасини белгилашда қуйидаги омиллар эътиборга олинади:

1. Валюта барқарорлиги
2. Фоиз ставка даражаси
3. Халқаро ҳисоб-китоб шакли
4. Инфляция даражаси
5. Валюта курси
6. Динамикаси

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 7-15 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 25 апрелдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 16-22 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004. – 15-17 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

5. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 07.02.2011 й. № ПҚ-1474.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2010-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор вазифалари тўғрисида” ги Қарори.
7. “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори// 06.04.2009 й. ПҚ-1090-сон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари

9. Марказий банк Бошқарувининг 26.12.2009 й. 38/4-сон "Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида томонидан 20.01.2010 й. 949-5-сон билан рўйхатга олинган

10. Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташишга доир Йўриқнома [Янги тахрир] Ўзбекистон Республикасида Адлия Вазирлигида 27.06.2008 й. 1831-сон билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

11. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади// Халқ сўзи газетаси-Тошкент, 2014 йил, 18 январь

12. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.

13. Ислом Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.

14. Ўзбекистон мустақилликга эришиш остонасида / И.А.Каримов.- Т.: Ўзбекистон, 2011. -440 б.

15. Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган тантанали байрамдаги табрик сўзи// “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 1 сентябр.

16. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. - 48 б.

17. Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

18. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2010. 42- б.

Дарсликлар

19. Лаврушин О.И. и др. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. -560 стр.

20. Rashibov O.Yu. va boshqalar. Pul, kredit va banklar. Darslik. - Т.: TDPU, 2010. – 428 bet.

21. Мовсесян А.Г., Огневцев С.Б. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. - М.: Инфра-М, 2003. – 312 стр.

22. Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения. Учебник. - М.: Дело и Сервис, 2003. – 576 стр.

23. Пискулов Д.Ю. Теория и практика валютного дилинга. Учебник.- М.: ЗАО Финансист, Диаграмма, 2002. – 325 стр.

Ўқув қўлланмалар

24. Варламова Т.П. Валютные операции. Учебное пособие. – М.: «Дашков и К», 2009. -325 стр.

25. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 576 стр.

26. Лаврушин О.И., Афанасьева О.Н., Корниенко С.Л. Банковское дело: современная система кредитования. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2009. – 264 стр.

27. Тоҗиёев R.R. Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari. O'quv qo'llanma. - T.: TDIU. 2009. -310 bet.

Статистика тўпламлари маълумотлари

28. Ўзбекистон Иқтисодиёти. 2009-2010 й. Таҳлилий шарх.

29. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг 2006-2010 йил маълумотлари.

30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2006-2010 йил маълумотлари.

Интернет сайтлари

31. <http://forex.com>

32. <http://cbu.uz>

33. <http://www.thebanker.com>

34. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>

35. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses.htm>